

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ ТАРКИБИЙ ҚАЙТА ТУЗИШ
АГЕНТЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

«INTELLEKT MANAGEMENT» КОНСАЛТИНГ КОМПАНИЯСИ

**ГЕНДЕР ТЕНГЛИК.
БОЛАЛАР ВА МАЖБУРИЙ
МЕХНАТДАН ФОЙДАЛАНИШГА
ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО
МЕХНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ
КОНВЕНЦИЯЛАРИ ВА МИЛЛИЙ
ҚОНУНЧИЛИК**

Тошкент 2018

Н. Маматов

Гендер тенглик. Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши курашиш бўйича Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва миллий қонунчилик.

Тузувчи: **Н.Маматов** - Фалсафа фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар: **М.Қаҳарова** - Фалсафа фанлар доктори, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университети, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси мудири.

Т.Баймуродов - Иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент молия институти ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи.

Қўлланма Тошкент Давлат Педагогика Университетининг Тарих факультети “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” кафедрасининг 2018 йил 16 июндаги мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган. Баённома № 18.

Қўлланма Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги «Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатиш Дастури» лойиҳаси доирасида тайёрланди. Рисола ушбу Дастур доирасида лойиҳа ҳудудларида деҳқон, фермер хўжаликлари вакиллари, кишлоқ хўжалиғи соҳасидаги корхоналарнинг ходимлари, илмий тадқиқотчилар, магистрантлар ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар коллеж ўқувчиларига ўқув семинарлар ўтказиш учун мўлжалланган.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ҳамкорлиги	7
2. Болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши кураш бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва миллий қонунчилик	21
3. Мажбурий меҳнат ва улардан фойдаланишга қарши кураш бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва миллий қонунчилик	32
4. Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка амал қилиш ва миллий-ҳуқуқий норматив ҳужжатлар	53

Кириш

Мана 26 йилдирки, мамлакатимиз “Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият”, деган эзгу ғояга содиқлигини намоён этиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Асосий қонунимизда белгиланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояси билан боғлиқ нормалар асосида мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, 8 та конституциявий қонун, 16 та кодекс ва 700 дан ортиқ қонун қабул қилинди.

Мустақилликка эришган давлатлар орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда Халқаро Меҳнат Ташкилотларнинг конвенциялари ратификация қилинди. Ратификация қилинган конвенциялар орасида “Болалар меҳнатида энг ёмон шакллари тўғрисида”ги, “Энг кичик ёш тўғрисида”ги, “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги, “Мажбурий меҳнатни таъқиқлаш тўғрисида”ги, “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги, “Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”ги конвенцияларнинг ратификация қилиниши мамлакатда бахт кўрсаткичининг тобора ортиб боришида муҳим роль ўйнади.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнида барча соҳалардаги сингари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам қатта ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Қатта истиқболга эга бўлган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90-92 фоизини ишлаб чиқараётган кичик ва ўрта тадбиркорлар мамлакатимиз аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қилаётган қишлоқларимизнинг бугунги ва эртанги фаровонлигини оширишда қарвонбошилиқ қилмоқдалар.

Қишлоқдаги кичик ва ўрта тадбиркорлар хўжаликларида болалар меҳнатидан фойдаланиш, мажбурий меҳнат,

гендер билан боғлиқ масалалар бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу масалани ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майда қабул қилган “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори муҳим роль ўйнади. Қарорга кўра, Ўзбекистонда бундан буён болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Бу борадаги давлат органлари ишидаги тизимли камчиликлар бартараф этилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига тўлиқ барҳам бериш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишлар мазмун жиҳатидан янада бойитилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа конун ҳужжатларида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлангани, ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланиш, бирон-бир жазо қўлланиши билан кўрқитган ҳолда ишларни бажаришга мажбурлашни таъқиқловчи нормалар мустаҳкамланганини эътиборга олиб қарорда, барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига:

- 1) Фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларни мажбурий меҳнатга, шу жумладан туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, металл чиқиндилари ва макулатура йиғиш, шунингдек, бошқа турдаги мавсумий ишларга жалб қилиш ҳолатларининг зудлик билан олдини олишлари ва чек қўйишлари;

- 2) Фуқароларни, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини,

талабалар ва таълим муассасалари ўқувчиларини мажбурий жамоат ишларига бевосита ёки билвосита жалб қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий интизомий чоралар кўриш;

3) Мажбурий меҳнатдан фойдаланиш бўйича аниқланган ҳар бир ҳолат юзасидан тегишли ахборотни жавобгарлик чораларини қўллаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига зудлик билан етказиш топширилди.

Айни вақтда Ўзбекистонда гендер тенглиги масаласи ҳам давлат сиёсатининг муҳим жиҳатини ташкил этади. Хотин-қизлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича БМТнинг аёллар камситилишига барҳам беришга оид ҳужжатлари асосида қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Буларда биринчи галда Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш бўйича мавжуд муаммолар кўрсатилди ва айни вақтда хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий-иқтисодий ҳаётидаги фаол иштироки тобора ортиб бораётганлиги, айниқса қишлоқ аёлларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги иштироки кенгайиб бораётганлиги кенг ёритилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки жамият ҳаётида гендер роли ва нормаси устуворлигининг гендер муносабатларига таъсири жиддий сезилиб туради. Буни биз меҳнат ва турли хизматлар бозорида гендер нотенглигида кузатамиз. Ушбу нотенгликларни бартараф қилишда 2018 йил 2 февралда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва

тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида амалга ошириладиган кенг кўламли ишлар лойиҳаси яратилди ва у самарали амалга оширилмоқда.

1. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакат мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да назарда тутилган асосий тамойиллар ўзининг ифодасини топган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди.

Ўзбекистон Республикасида миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўз модели, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги миллий тизими шакллантирилган.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чоралар тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, қонунчиликка ва давлат органларининг амалий фаолиятига инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида халқаро стандартларни имплементация қилиш механизмлари ва тартиби самарадорлиги ошиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг БМТ Тараққиёт дастури, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Халқаро Қизил Хоч кўмитаси, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи, К. Аденауэр ва Ф.Эберт номидаги жамғармалар (Германия), бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда дипломатик ваколатхоналар билан ҳамкорлиги тадрижий ривожланмоқда.

Ўзбекистон Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) га 1992 йил 13 июлда аъзо бўлиб кирди. Мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятларга эга. Бу, биринчи навбатда, ушбу ташкилотнинг ўзига хос фаолияти билан боғлиқдир.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ўзига хос фаолияти шундаки, бошқа ҳукуматлараро тузилмалардан фарқ қилиб, у ҳар бир мамлакатдан ҳукумат, тадбиркорлар ва меҳнаткашлардан иборат уч томонлама вакиллик асосида фаолият кўрсатади. Унинг барча бошқарув органларида ҳукумат, касаба уюшмалари ва тадбиркорларнинг вакиллари иштирок этади.

Мазкур ташкилотнинг ўзига хосликлари яна қуйидагиларда акс этади: ташкилотга аъзо давлатлар ХМТ Уставининг 22-моддасига мувофиқ, ўзлари қўшилган ва ратификация қилган конвенцияларнинг ижроси бўйича йиллик ҳисобот, 19-моддасига кўра ратификация қилиб улгурмаган конвенциялар бўйича бажарилаётган ишлар юзасидан ҳам ҳисобот топшириши лозим. Бундан ташқари, аъзо давлатнинг мазкур ташкилотдан чиқиши ёки аъзолигининг тўхтатилиши унинг ташкилот доирасидаги ўзи қўшилган конвенциялардан келиб чиқадиган мажбуриятларидан халос қилмайди (*ex abundante cautela*).

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорлиги бир неча шаклларда намоён бўлади.

Институционал ҳамкорлик ва доимий мулоқотлар доирасида Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг олий органи - Халқаро меҳнат конференциясининг бир йилда бир маротаба бўлиб ўтадиган сессияларида иштирок этиб келади.

Ташкилотнинг 2010 йил 2-18 июнь кунлари бўлиб ўтган 99-сессиясида Ўзбекистон делегацияси биринчи маротаба уч томонлама таркибда: Ҳукумат, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва Савдо-саноат палатаси вакилларидан иборат бўлган ҳолда иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси 2009 йил 16 мартда Женевада бўлиб ўтган ХМТнинг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро дастури (IPEC- International Programme on the Elimination of Child Labour) Бошқарув кўмитасининг 18-мажлисида иштирок этган.

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан доимий мулоқотини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Женева шаҳрида жойлашган БМТнинг Европа бўлинмаларидаги доимий ваколатхонаси асосий роль ўйнайди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон билан алоқаларида эса Ташкилот Котибияти - ХМТ Бюроси, ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича Москвадаги субрегионал офиси, ХМТнинг Меҳнат соҳасида ҳуқуқ ҳамда асосий принциплар ва стандартлар Департаменти, ХМТнинг Алмати шаҳрида жойлашган Марказий Осиёда болалар меҳнати бўйича эксперти мунтазам иштирок этади.

Ўзбекистоннинг Халқаро Меҳнат Ташкилоти билан ҳамкорлигининг яна бир кўриниши ХМТнинг асосий ҳужжатлари - конвенциялари ва тавсияларига кўшилишида намоён бўлди.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг бугунги кунда амал

килаётган 189 та конвенцияси протоколи ва 202 та тавсиялари бор. Ўзбекистон 1995-2008 йиллар давомида унинг 13 та асосий конвенциясига қўшилди. Улар орасида “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-Конвенция, “Иш вақтини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида”ги 47-Конвенция, “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-Конвенция, “Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги 122-Конвенция “Қорхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган ҳуқуқлар тўғрисида”ги 135-Конвенция, “Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисида”ги 154-Конвенция, “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-Конвенция, “Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида”ги 182-Конвенция ва бошқалар бор.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ХМТнинг конвенцияси - “Уюшиш эркинликлари тўғрисида”ги 87-сонли конвенциясига қўшилиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Ўзбекистон Халқаро Меҳнат Ташкилотининг халқаро дастурлари доирасида ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда.

ХМТнинг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро дастури (IPE International Programme on the Eliminate Child Labour) Ўзбекистонда 2005-2010 йилларда самарали фаолият олиб борди. Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенцияларни имплементация қилиш учун техник ёрдам кўрсатилди. Дастур кўмаги асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари учун услубий ва амалий қўлланмалар чоп этилди.

Илмий анжуманлар ва семинарлар ташкил этиш икки томонлама ҳамкорликнинг яна бир шаклидир. Мисол сифатида айтиб ўтиш мумкинки, 2012 йил 3-4 май кунлари Тошкент шаҳрида ХМТ Котибияти ва Европа Иттифоқи Комиссияси экспертлари иштирокида “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТ конвенцияларининг асосий қоидаларини амалга ошириш” мавзусида халқаро семинар ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг ХМТ билан ҳамкорлигининг камрови тобора кенгайиб бормоқда. Мазкур ташкилот билан алоқаларни конструктив асосда янада кучайтириш масаласига давлатимиз раҳбарияти алоҳида эътибор қаратмоқда. Икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга оид махсус дастурлар қабул қилинмоқда. Жумладан, 2011 йил 7 сентябрда “ХМТ билан ҳамкорлик бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси” қабул қилинди. Унда ХМТнинг қолган бошқа конвенцияларига қўшилиш, меҳнат соҳасидаги миллий қонунчиликни ХМТ стандартларига мослаштириш ва такомиллаштириш кўзда тутилган.

Ўзбекистон ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти ўртасидаги доимий мулоқотнинг асосий мавзулари қуйидагилардан иборат:

- (1) БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари доирасида янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш сиёсати;

- (2) Меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги ишга қабул қилишнинг энг кам ёши, бола меҳнати, мажбурий бола меҳнати ва болалар меҳнатининг энг ёмон шакллариغا оид 138 ва 182-конвенцияларнинг ижросини таъминлаш масаласи.

ХМТ Халқаро меҳнат конференциясининг 99-сессияси (2010 й.) ва 100-сессиясида (2011 й.) сурункасига Ўзбекистон Республикасининг 2008-2010 йилларда 182-конвенциянинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи кўриб чиқилди.

Охириги йилларда ХМТнинг 138 - ва 182 - Конвенцияларнинг ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистонда кенг кўламли ва изчил ишлар амалга оширилди.

2008 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган «Ишга қабул қилиш учун

энг кичик ёш тўғрисида»ги Конвенцияни ҳамда, «Болалар меҳнатининг энг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида»ги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 207-сонли Қарори қабул қилинди. Унинг 1-бандига мувофиқ, мана шу икки конвенцияни амалга ошириш бўйича 37та қисмдан иборат Миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди ҳамда изчил амалга ошириб келинмоқда.

Конвенцияларнинг ижросини таъминлаш мақсадида миллий қонунчиликни такомиллаштириш конвенциялар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва уни ХМТ стандартларига яқинлаштириш орқали амалга оширилмоқда. Шу мақсадда, амалдаги бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатларига ўзгартириш ва тўлдиришлар киритилди.

Айтиб ўтиш жоизки, мажбурий меҳнатни таъқиқлаш, бола ҳуқуқларини ҳимоялашнинг ҳуқуқий механизмлари Конституциямиз (37 - ва 45 - моддалари) ва миллий қонунчилигимизда аллақачон ўз аксини топган.

“Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан 18 ёшгача бўлган шахслар “бола” деб аталади.

Булар ҳаммаси ХМТ стандартлари билан тўлиқ, мос тушади.

Қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистоннинг ХМТ конвенцияларига қўшилиши ва ратификация қилиниши муносабати билан Олий Мажлис томонидан 2009 йилда “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва Меҳнат кодексининг 12 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда одам савдоси ва мажбурий меҳнат учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик кучайтирилди. Бу борада бир қатор идоралараро ҳужжатлар ҳам қабул қилинди.

Мазкур конвенцияларнинг бажарилишини назорат ва мониторинг қилиш ҳамда қонунлар ижросини таъминлаш борасида муайян натижаларга эришилди.

Халқаро ҳамкорлик соҳасида, Миллий ҳаракатлар режасининг 30-бандига мувофиқ, 2010 йил июнда Ўзбекистон ва ХМТнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича субрегионал бюроси ўртасида “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум” лойиҳаси тайёрланди. Унинг 2-моддаси ХМТнинг Болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича Халқаро дастури (IPEC- International Programme on the Elimination of Child Labour) билан ҳамкорликни назарда тутди.

ХМТ Конвенциялари ижросини таъминлашнинг институционал механизмлари ҳам кучайтирилди. Конвенцияларнинг ижроси бўйича маълумотлар тайёрлаш ва мувофиқлаштирилган фаолият олиб бориш мақсадида 2010 йил 2 июлда Идоралараро ишчи гуруҳи тузилган. Унинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлиги; Халқ таълими вазирлиги; Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги; Ташқи ишлар вазирлиги; Адлия вазирлиги; Савдо-саноат палатаси; Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши киради.

Бундан ташқари, меҳнат соҳасида бола ҳуқуқлари бузилишини назорат қилиш ва мониторинг қилиш бўйича қуйидаги давлат ва жамоат механизмлари фаолият кўрсатмоқда: Ҳукумат таркибида Бош вазир ўринбосари раҳбарлигидаги маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари, ахборот-таҳлил департаменти иш олиб бормоқда; Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Бош прокурор раҳбарлигидаги Воя-

га етмаганлар ишлари бўйича комиссия; Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлиги таркибида Давлат меҳнат ҳуқуқий инспекцияси ва ҳар бир туманда жорий этилган Меҳнатни муҳофаза қилиш инспекциялари мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистонда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда болалар меҳнатини, болалар меҳнатининг оғир шаклларини, мажбурий меҳнатни мамлакатимиз ҳаётидан мутлоқ йўқотиш йўлида ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Болалар меҳнатига келганда шуни айтиш керакки, бир пайтлар Ўзбекистонда “оқ олтинни олтин қўллар яратади”, деган баландпарвоз шиор остида пахта яккаҳоқимлиги ётар эди. У даврларда пахта асосан бошдан охирига қадар қўл меҳнатига асосланган эди. Оилада бола кўпку, пахтада ишлайверсин, онасига қарашаяптику, меҳнатга ўргансин, бу меҳнат тарбиясику деган қарашлар оддий ҳаётга айланган эди.

Пахта теримида ҳам маълум вақтда мактаблар ёпилар эди, ҳамма пахта теримига чиқиб кетишар эди. Халқимиз орасида пахтани ҳашар ёрдамида терамиз, пахтани ҳамма териши керак, у гўё ватанпарварлик ҳаракатидек туюлар эди. Ёдимда бор, 1961 йили талабалар 25 январга қадар пахта терган эдилар. Бу ҳолат мустақиллик йилларида ҳам давом этди. Чунки мустақилликнинг дастлабки йилларида маълум даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги меҳнати кўп ҳолларда яна қўл меҳнатига айланди. Қайси бир нуқтаи назардан ушбу меҳнатни механизациялашга уни болалар меҳнати, мажбурий меҳнатдан бегоналаштиришга давлатнинг қўли етмас ҳам эди.

Шу нуқтаи назардан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг пахта билан боғлиқ бўлган болалар мажбурий меҳнати бўйича билдирган эътирозларида жон ҳам бор эди. Айрим фермерлар бемалол мактаб, коллеж раҳбарларига мурожаат қилиб болаларни пахта теримига олиб чиқиб ҳам кетар эдилар. Қайси бир маънода туман ҳокимлари бу масалага ижобий кўз

билан ҳам қарар эдилар. Мамлакатдаги ушбу ҳолатни кузатган Халқаро Меҳнат Ташкилоти маълум даражада Ўзбекистон ҳукуматининг ушбу масала бўйича сиёсатидан норози эди. Шунинг учун ҳам 2012 йил июлда бўлиб ўтган Халқаро Меҳнат Ташкилоти конференциясида улар Ўзбекистон делегацияси билан ҳатто гаплашишни ҳам истамаганлар.

Лекин масаланинг халқаро миқёсда жиддий эканлигини тушинган Ўзбекистон ҳукумати 2008 йилда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Болалар меҳнатига оид иккита конвенциясини ратификация қилди. Мана шу ратификациядан кейин ҳукумат бошлиғи раҳбарлигида 17 та вазирлик, идора, ташкилотларни ўз ичига олган ишчи гуруҳ вазиятни бениҳоя изчиллик билан ўрганди ва зарурий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Айти пайтда ҳукумат раҳбари томонидан мамлакатимиз тарихида биринчи марта Халқаро Меҳнат Ташкилотига Ўзбекистондаги ҳолатни мониторинг қилиш учун розлик берилди. 2013 йилдан бошлаб Халқаро Меҳнат Ташкилоти Республика ҳукумати билан тизимли фаолиятни йўлга қўйди ва 2013 йилдаёқ болалар меҳнатига тизимли равишда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Ўзбекистонда йўқ деган хулоса берди.

Лекин барибир ушбу масала бўйича айрим хавф-хатарлар ҳам бор эди ўша даврда. Уларни бартараф қилиш учун Республика ҳукумати биринчи галда масалага лоқайд қараган барча ҳокимларни бошқарув, педагогик, психологик, ижтимоий, иқтисодий, болалар, мажбурий меҳнатнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини қамраб олган ўқув дастури бўйича давлат бошқаруви академиясида малакасини оширтирди. Булардан ташқари касаба уюшмалари, меҳнат вазирлиги, соғлиқни сақлаш, маҳалла тизими ва бошқалар ҳам ушбу ўқув дастурлари, миллий ва халқаро стандартларни ўрганиш бўйича ўз малакаларини оширдилар. Бунда асосий эътибор ота-оналарнинг, халқимизнинг, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга нисбатан қарашини ўзгартиришга қаратилган эди. Дунёқараш ўзгармас экан ушбу масалаларни ҳал қилиш қийин кечади бу оддий ҳақиқат.

Бу саъи-ҳаракатларнинг негизида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг барча жаҳон давлатлари олдига қўйган гуманитар талаблари ётибти. Чунки авлод қийналмасдан, соғ ва саломат эркин ўсмас экан бу давлатда кутилган тараққиётни кузатиш қийин кечади. 2014-2015 йиллар давомида олиб борилган изчил ва самарали фаолият туфайли Республика ҳукумати томонидан болалар меҳнатига мутлоқ чек қўйилди. Шундай бўлишига қарамасдан айрим жойларда ушбу ҳолатнинг қайд қилиниши ҳолати ҳам учраши мумкин эди. Ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳукуратимиз унга қарши бир қатор чора тадбирларни ҳам ишлаб чиқди.

Ҳолат қайд этилган тақдирда биринчи навбатда пахта ёки мева теримига олиб чиқилган болалар ўз жойига қайтарилади. Ота-оналар орасида тушунтириш ишлари олиб борилади. Агар дарсдан ўз ихтиёри билан чиқиб кетган бўлса ўқитувчига чора кўрилади.

Булардан ташқари бугунги кунда мамлакатимизда Жаҳон банкининг ва бошқа халқаро ташкилотларнинг лойиҳалари бўйича кишлоқ аҳолиси, фермерлар, ўқувчилар, ота-оналар ва бошқа иш берувчилар ўртасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Халқимизда меҳнатга нисбатан янги маданият шакилланмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда бугун ХМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистонга табриклар келмоқда. Энди Ўзбекистонда болалар меҳнатига қатъий чек қўйилган бўлса, мажбурий меҳнат ҳам давлатимизнинг кун тартибидан бора-бора чиқиб кетиши учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Мамлакатда пахта етиштириш кластер методига ўтмоқда. Яъни тадбиркор пахтани экишдан бошлаб то тайёр маҳсулот етиштиргунига қадар бу иш билан ўзи шуғулланади. Кластер методида ишлаётган фермер фаолиятида мажбурий меҳнат мутлақо бўлмайди. Уларда ёлланма меҳнатдан фойдаланишнинг жаҳон андозаларига мос бўлган замонавий

стандартларига амал қилинади. Уларда биринчи галда яхши меҳнат шароитлари яратилади. Меҳнат ижтимоий ҳимояланади, яхши иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Буларнинг ҳаммаси меҳнат шартномаси асосида амалга оширилади.

Албатта Ўзбекистонга оғир юк бўлиб турган масалалардан бири бу ишсизлик масаласидир. Ўзбекистон учун ишсизлик масаласи биринчи муаммолардан бири ҳисобланади. Муҳтарам Президентимизнинг олиб бораётган ички сиёсатида асосий йўналиш аҳолини самарали иш билан таъминлаш масаласидир. Бу бўйича жиддий давлат лойиҳалари шакллантирилган. Худди шу пахта терими, мева терими мавсумий бўлганлиги учун бунда мавсумий меҳнатга ёллаш тизимидан кенг фойдаланилади. Энди бунда мавсумий ёлланма меҳнат нима? У қандай қилиб шаклланади? Ундан қандай самарали фойдаланилади? Ишчиларнинг ҳақ ҳуқуқлари қандай қилиб таъминланади? Булар жиддий масалалардир.

Энди ишсизлар ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, бизда умуман ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Ўзбекистонда ҳамма банд лекин қандайдир бир одамга у ёлланадида ишлайверади, айниқса аёлларимиз. У ерда ишлаётганларнинг маълум қисмида меҳнат дафтарчалари йўқ. Улар норасмий секторда ишлашади. Норасмий сектор дегани у ишляпти лекин унга меҳнат дафтарчаси очилмаган. Меҳнат дафтарчаси очилмаган ҳолда иш жараёнида агар ишчи захарланса, жароҳат олса, ёки бахтсиз ҳодиса содир бўлса, унга ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалалари ниҳоятда қийин кечади. Шунинг учун мен қаергадир ишга кирдимми албатта меҳнат дафтарчасини талаб қилишим керак. Агар турган жойимдан узоқроқ жойга меҳнат сафарига кетишимга тўғри келса, мен албатта ўша ташкилотдан меҳнат сафари йўлланмасини таълаб қилишим керак. Буларнинг ҳаммаси фуқароларимизнинг меҳнатга нисбатан ижтимоий ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ масалалардир.



Давлатимиз бу борада хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик доирасида ёлланма меҳнатдан фойдаланиш бўйича меҳнаткашларни ҳимоя қилишнинг ижтимоий ҳуқуқий чораларни кўрмоқда. Чунки буларнинг ҳаммаси халқаро стандартлар нормаларига жавоб бериши керак. Ушбу масалар бўйича халқаро меҳнат ташкилоти ва Республика ҳукуматининг алоқалари тизимли суратда давом этмоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилотларидан ташқари маълумки “Пахта компанияси” деган халқаро коалиция ҳам бор. Бу ташкилот ҳам Ўзбекистонда мажбурий меҳнат га қарши тарғибот олиб боради. Инсон ҳуқуқлари ташкилотлари бор, “Human Rights Watch”. Улар билан Ўзбекистон доимо алоқада. Уларга ҳам Ўзбекистон ҳамкор сифатида қарайди. Шу пайтгача Ўзбекистон ҳукуматини кескин танқид қилиб келган ушбу ташкилотлар мухтарам Президентимиз томонидан олиб борилаётган изчил инсонпарвар ислохотларни тан олган ҳолда барибир ўша туб муаммоларни улар ҳамон олға сурмоқдалар.

Мамлакатимиз хусусан, 2008 йилдан буён болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши ишларни амалга ошириш бўйича ХМТ билан ҳамкорликда фаолият юритиш бўйича катта тажрибага эга бўлдик ва улар ҳам маълум бир давлатни танқид қилиш билангина масалани хал қилиб бўлмастлигини тушунди. Биз ХМТ билан музокаралар олиб бордик, давлатимизга таклиф қилдик, вазиятни кўрсатдик, улар билан бирга давлат дастурларини ишлаб чиқдик, бу ишга уларнинг ўзини ҳам жалб этдик, уларнинг иштирокида катта бир ижобий натижаларга эришдик. Орада ўзаро ишонч шаклланди. “Human Rights Watch” деймизми ёки “Пахта коалиция”си деймизми, улар билан бизнинг ўртамизда жуда яхши ижобий муносабатлар шакилланмоқда. Президентимиз олиб бораётган сиёсат бўйича ижобий таассуротда эканлигини ўша ташкилотлар ҳам бутун жаҳон бўйлаб билдирыптилар. Улар ҳам тўғри информацияларга эга бўлмагани учун, айрим битта яримта маълумотга асосланган ҳолда бутун давлат тўғрисида

хулоса чиқарганликларини ўзлари ҳам тан олишяпти.

Бу ва бошқа ташкилотларнинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни кун тартибидан чиқариб ташлаш учун олиб бораётган ҳолис фаолиятига давлатимиз тўғри баҳо бериб ҳамиша ҳамкорликда фаолият олиб боришга тайёрлигимизни билдириб келмоқда. Ва айтилиб кетган давлатимиз Ўзбекистонда олиб борилаётган стратегик ҳаракатларга, устувор йўналишларга, дастурларга ижодий ёндашиб тузатишлар киритиб келмоқда.

Бугун “Пахта компанияси”, “Инсон ҳуқуқлари“ Human Rights Watch” кабилар масалани ўзимиз мустақил бориб текшира олайлик, мониторинг қилайлик деган талабларни қўйишмоқда. Ҳа, бизда ҳозир очиклик-ошкоралик. Бу ҳар томонлама кўриниб турибди. Ўзимизда ҳар йили болалар ва мажбурий меҳнат бўйича ҳукумат иштирок этмайдиган мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан ташкил қилинган мониторинг ўтказилади. Бунда касаба уюшмалари, бошқа нодавлат ташкилотлар кенг жалб қилинади. Бу мониторингда Жаҳон банки ҳам фаолият кўрсатади. Мана очик ойдин халқаро ташкилотлар билан олиб борилаётган иш ва унинг натижалари. Лекин уларнинг гапига кўра ушбу масала бўйича бошқа одамлар ҳам уларга ахборот етказиб туриши керак. Албатта бундай фикрга қўшилиб бўлмайди. Мониторинг ўтказишнинг ўзи катта бир билим, салоҳият. Унинг ўзининг баҳолаш мезонлари бор. Уни тўғри келган одам бориб олиб, баҳолайман дейдиган бўлса, нотўғри бўлади.

Тажрибадан келиб чиққан ҳолда биз шунинг учун Халқаро Меҳнат Ташкилотини мана шу соҳадаги энг нуфузли ваколатли орган ҳисоблаймиз. Шу ташкилотга ишонамиз. Чунки улар бизга қандай хавф-хатарлар борлигини кўрсатиб берапти. Уларни бартараф қилиш учун тегишли чоралар белгиланаяпти. Охириги 3-4 йилда мажбурий меҳнат хавф-хатари камайиб бормоқда. Ўзбекистонда мажбурий меҳнат йўқ деган хулосани Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳам 2-3 йилдан бери берапти. Бу Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги,

иктисодиёт, ижтимоий соҳада олиб бораётган ислоҳотларининг улкан натижаси. Нодавлат секторларнинг ҳам ҳукуматга бераётган катта ёрдами. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳам бевосита иштирокининг натижасидир. Шунинг учун мана шу ташкилотлар ХМТ каби бизлар билан очик ҳамкорликка киришса бизнинг давлатимиз бу нарсага ҳамиша тайёр.

“Human Rights Watch” Ўзбекистонга келиб кетиб юрибди. Улар билан бизнинг давлатимиз серкирра мулоқот олиб бормоқда. Уларнинг гаплари бўйича бирга ишлаш тарафдоримиз. “Cotton Campaign” (Пахта компанияси) ҳам келмоқчи бўляпти, марҳамат, келсин. Ўзбекистондаги вазиятни кўрсинлар. Асосли таклифлари бўладиган бўлса бу таклифлар давлат томонидан кўриб чиқилади, маъқул жиҳатлари амалиётга жорий қилинади. Муҳими, ҳамкорликка очикмиз.

Ушбу масала бўйича Ўзбекистонда нимага эришилган бўлса бу биринчи навбатда, давлатимиз сиёсатининг ютуғи деб тушуниш керак. Чунки мамлакатда бу масала қадаммақадам ҳал қилиниб келинмоқда. Мақсад кун тартибидан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни чиқариб ташлашдир. Бунда бизга ёрдам бераётган барча ташкилотлар бизнинг ҳамкорларимиздир. Шунинг учун ҳам ушбу масала бўйича қўлга киритилган муваффақият бизнинг ва албатта уларнинг ҳам муваффақиятидир. Шу ҳолатни алоҳида такрорлаш лозимки болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашни ҳар қандай халқаро ташкилот ўзи бориб ўша мамлакатда тўғирлай олмайди. Бунда ҳамма гап мамлакат раҳбарининг хайрихоқлигидадир. Мана, Ўзбекистон Республқисининг Президенти ушбу масалага хайрихоқлик нуқтаи назаридан қараганлари учун мамлакатда болалар меҳнатиغا барҳам берилди, мажбурий меҳнатга ҳам кетма-кет барҳам берилмоқда.



2. Болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши кураш бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва миллий қонунчилик

Юртимизда болалар, уларнинг сихат-саломатлиги, таълим-тарбияси, дунёқарашига жуда катта эътибор берилиб, уларнинг ўзларини кўрсатишлари, бор имконият ва салоҳиятларини ишга солиш, ташаббус кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу борада Халқаро Меҳнат Ташкилотларининг қатор конвенциялари ратификация қилинмоқда, мамлакатимизда ёшларга доир махсус давлат сиёсати яратилган ва у Республика Президенти Ш.М. Мирзиёев 2017 йил 30 июнда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг 4 - қурултойида айтганларидек, ёшларимиз замонавий билим ва касб-ҳунарни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, доимо эл юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган бўлишларига қаратилган.

Қуйида бериладиган Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Конвенцияларини қараб чиқиш ва ўрганиш мазкур масалани янада кенгрок ва чуқуррок англашимизга кўмак беради.

1973 йил 26 июнда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 58-сессиясида қабул қилинган “**Энг кичик ёш тўғрисида**”ги 138-Конвенция Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 4 апрелдаги ЎРҚ 140-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ратификация қилинган.

Конвенцияни ратификация қилган ҳар бир аъзо болалар меҳнатини самарали бекор қилишни таъминлаш ва ишлаш ёки ёлланишга руҳсат этилган энг кичик ёшли ўсмирларнинг жисмоний ва ақлий ривожланиш даражасига мос келадиган ёшгача босқичма-босқич оширишга йўналтирилган миллий сиёсатни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш мажбурий мактаб таълими ёшдан кам бўлмаслиги керак ва ҳар қандай ҳолда ўн беш ёшдан кичик бўлмаслиги зарур.

Иқтисодиёти ва таълим имкониятлари етарлича ривожланмаган аъзо иш берувчилар ва ишчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашилганидан сўнг энг кичик деб ўн тўрт ёшни белгилаши мумкин.

Ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсмир соғлиғи, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш тури ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун энг кичик ёш ўн саккиз ёшдан кам бўлмаслиги керак.

Конвенция қоидалари жойларда ҳеч бўлмаганда қуйидаги соҳаларда қўлланилиши лозим: шахта ва карьерлар; ишлов бериш саноати; қурилиш; электр, газ ва сув таъминоти; санитария хизматлари; транспорт, омборлар ва алоқа хизмати; экинзорлар ва тижорат мақсадлари учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридаги ишларда, шу жумладан, маҳаллий истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган, доимий равишда ёлланма ишчилардан фойдаланмайдиган оилавий ва кичик хўжаликларда.

Ушбу Конвенция қоидалари қуйидагиларнинг таркибий қисми ҳисобланадиган ишларга нисбатан қўлланилмайди:

- а) асосий масъулият мактаб ёки касбий тайёргарлик муассасаси зиммасида бўлган таълим ёки тайёргарлик курси;
- б) ваколатли ҳокимият органи томонидан маъқулланган асосан ёки бутунлай корхонада амалга ошириладиган касбий тайёргарлик дастури;
- с) касбий ёки касбий тайёргарлик турини танлашни енгиллаштиришга қаратилган касбга йўналтириш дастурлари.



Миллий қонун ҳужжатлари ёки тартиблар ўн уч ёшдан ўн беш ёшгача бўлган шахсларга енгил ишларда ишлаш ёки ёлланиб ишлашга рухсат этиши мумкин, агар бу:

- а) уларнинг соғлиги ва ривожланиши учун зарарли бўлмаса;
- б) уларнинг мактабга қатнашига, уларнинг ваколатли ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган касбга йўналтириш ёки касбий тайёргарлик дастурларида иштирок этишлари ёки уларнинг олган билимларидан фойдаланиш лаёқатига зарар етказмайдиган бўлса.

1999 йил 17 июнда “**Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисида**”ги 182-Конвенция Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 87-сессиясида қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрелдаги ЎРҚ-144-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ратификация қилинган.

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган ҳар бир аъзо болалар меҳнатини тақиқлаш ва унинг энг ёмон шакллариغا барҳам беришни таъминлаш мақсадида дарҳол самарали чора-тадбирлар кўради.

Мазкур Конвенция мақсадлари учун «бола» атамаси 18 ёшгача бўлган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

Мазкур Конвенция мақсадлари учун «болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари» атамаси қуйидагиларни қамраб олади:

- а) кулликнинг барча шакллари ёки кулликка ўхшаш амалиёт, хусусан, болаларни сотиш, қарз асосидаги қарамлик ва крепостной тобелик, шунингдек, зўраки ёки мажбурий меҳнат, шу жумладан, болалардан қуролли можароларда фойдаланиш учун уларни зўрлаб ёки мажбурлаб жалб қилиш;
- б) фоҳишабозлик билан шуғулланиш, порнография маҳсулотлари тайёрлаш ёки порнографик томошаларда

иштирок этиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш;

с) қонунга хилоф фаолият билан шуғулланиш учун, хусусан, тегишли халқаро шартномаларда белгилангани каби наркотиклар тайёрлаш ва сотиш учун боладан фойдаланиш, уни ёллаш ёки уни таклиф қилиш;

д) бажариш хусусиятлари ёки шароитига кўра болалар соғлиги, хавфсизлиги ва маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ишлар.

Миллий қонун ҳужжатлари ёки ваколатли ҳокимият органи томонидан, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг, бажариш хусусиятлари ёки шароитига кўра болалар соғлиги, хавфсизлиги ва маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ишларнинг турлари белгиланади, бунда тегишли халқаро стандартлар, хусусан, Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 1999 йилги Тавсиянинг 3 ва 4-бандлари қоидалари эътиборга олинади.

Ваколатли ҳокимият органи, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг тегишли ташкилотлари билан маслаҳатлашгандан сўнг, шу тариқа белгиланган иш турлари мавжудлигини аниқлайди.

Ҳар бир аъзо болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги ҳаракат дастурларини устувор тартибда ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Бундай ҳаракат дастурлари тегишли ҳукумат идоралари ҳамда ишчилар ва иш берувчиларнинг ташкилотлари билан маслаҳатлашиб, зарурат туғилганда бошқа манфаатдор гуруҳларнинг фикрини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси, мазкур Конвенцияни ҳаётга татбиқ этишда қоидаларни самарали қўллаш ва уларга

риоя этишни таъминлаш учун жиноий жавобгарликни жорий этиш ва қўллаш кабилардан самарали фойдаланади.

Ҳар бир аъзо, болалар меҳнатига барҳам беришда таълимнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда, белгиланган муддатларда куйидагиларга йўналтирилган самарали чоратadbирлар кўради:

- а) болаларни болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларига жалб этилишига йўл қўймаслик;
- б) болаларни болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари билан машғул бўлишларини тўхтатиш, шунингдек, уларнинг қайта тикланишлари ва жамиятга мослашишлари учун зарурат ва талаб даражасида бевосита кўмаклашиш;
- с) болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларида халос этилган барча болалар бепул умумий таълим олишлари, шунингдек, улар учун имконият даражасида ва заруратга қараб касбга ўқиш учун шароит яратилиши;
- д) алоҳида хавфли аҳволдаги болаларни аниқлаш ва уларни қамраб олиш;
- е) қизлараҳволининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Ҳар бир аъзо мамлакат мазкур Конвенцияни ҳаётга татбиқ этадиган ваколатли ҳокимият органини тайинлайди. Аъзолар мазкур Конвенцияни ҳаётга татбиқ этадиган қоидалар қўлланилишида бир-бирларига ёрдам бериш учун мустаҳкам халқароалоқалар ёки ёрдам, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаш, қашшоқликка барҳам бериш дастурлари ва умумий таълим орқали тегишли чораларни кўрадилар.

Меҳнатни ҳимоя қилишда “Тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги 100 - Конвенция”нинг роли бениҳоя катта.

Конвенцияга кўра ҳар бир аъзо ҳақ тўлаш ставкаларини ўрнатишнинг амалдаги усулларига мос воситалар ёрдамида ҳамда мазкур усулларга мувофиқ миқдорда барча ишчиларга нисбатан, эркак ва аёл ишчиларни бир хилдаги меҳнати учун тенг рағбатлантириш тамойили кўлланилишини таъминлайди ва рағбатлантиради.

Мамлакатимизда жадал суръатлар билан амалга ошаётган демократик ислохотлар бир нарсага – инсон, унинг соғлиги-саломатлиги, бахтли ҳаёти, эрки, кадр-қиммати, фаровон ҳаётига қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ратификация қилинган конвенциялар маҳаллий шарт-шароитлар, миллий турмуш тарзимиз, анъана ва урф-одатларимиз, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олган ҳолда миллий-меъёрий ҳужжатлар билан янада бойитилган ҳолда ҳаётга татбиқ қилинмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 сентябрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги Конвенцияни ҳамда “Болалар меҳнатининг энг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисида”ги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 207-сонли Қарори катта аҳамиятга эга бўлди.

Бу ўринда шуни таъкидламоқчи эдикки, ҳар қандай конун, меъёрий ҳужжат ўзи-ўзича эмас, балки уни тушунарли эканлиги, унга риоя этиш таъминланганлиги билан кадрлидир. Мустақиллик йилларида фермерларимиз, унда меҳнат қилаётган ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, маданияти ва дунёқарашда катта ўзгаришлар содир бўлди. Шуларнинг ҳисобига хўжаликларда хизмат қилаётганлар ўртасида иттифоқчилик ва талаб, ўзаро ҳурмат ва жавобгарлик, рақобат ва ҳамдардлик руҳи тобора ортиб бормоқда. Биз буни фермер хўжаликларида ёшлар учун яратилаётган қўшимча имтиёзлар ва кафолатларда кўришимиз мумкин.

Бугун фермер хўжаликларида Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 138, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшга риоя этиш ҳамда болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш юзасидан аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда;

- ёшлар билан ишлаш бўйича комплекс дастур ва уни амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда;
- ёш мутахассислар ва ёш усталар кенгашлари тузилмоқда;
- ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқалар ўртасида касб маҳорати бўйича танловлар ўтказилмоқда.

Фермерлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига кўзда тутилган кўйидаги кафолатларга риоя этиш ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олмоқдалар:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар учун (135, 143, 144, 202, 203, 214, 239, 240, 241, 242, 243, 244, 245, 246-моддалар);
- б) ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган ходимлар учун (103, 143, 144, 249, 250, 251, 252, 253, 254, 255, 256, 257-моддалар);
- в) таълим муассасаларини битирган ходимлар учун (68, 103-моддалар).

Бунда фермер кўйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- а) ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллار ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш;
- б) ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида ёш мутахассисларни тайёрлаш;

в) ўқувчи ва талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига раҳбарлик қилишга юқори малакали ишчилар, раҳбарлар, мутахассисларни жалб этиш;

г) ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини шогирдликка олган Устоз ходимларни рағбатлантириш;

Фермер хўжаликлари фаолиятида ёшларнинг меҳнат хавфсизлиги алоҳида аҳамиятга эга масаладир. Фермер хўжаликларининг асосий меҳнат ресурсларига 16 ёшдан 55-60 ёшгача бўлган эркак ва аёллар киради. Шу ўринда эслатиб ўтиш ўринлики, халқаро меҳнат ташкилотининг 138-конвенциясида энг кичик ёш 18 ёшдан кам бўлмаслиги керак деб кўрсатилган. Чунки, ўз хусусияти ёки амалга ошириладиган шароитига кўра ўсмир соғлиги, хавфсизлиги ёки маънавиятига зиён етказиши мумкин бўлган ҳар қандай иш тури ёки ёлланма иш турига қабул қилиш учун 18 ёш эталон қилиб олинган.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексининг 77-моддасига кўра ишга қабул қилишга қўйиладиган ёш ўн олти ёшдир.

Лекин фермер хўжалигига ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ушбу Кодекснинг 241-моддасида назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Булардан ташқари кодексда ёшлар учун бир қатор қўшимча кафолатлар ҳам белгиланган. Шулар жумласига, масалан, 240-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари, 241-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланадиган ишлар, 242-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати, 243-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ тўлаш, 244-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга йиллик меҳнат таътили бериш, 245-моддада ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг

тунги ишларга, иш вақтидан ташқари юмушларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишнинг таъқиқланиши, 246-моддада меҳнат шартномасини бекор қилишда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг кўшимча кафолатлари, 247-моддада меҳнат шартномасини ота-оналар, васийлар (ҳомийлар) ва бошқа ваколатли органлар талаби билан бекор қилиш.

Юқорида келтирилган моддаларнинг айримларини кўриб чиқайлик. Улар фермер хўжаликларида ишларни бажаришда ёшларнинг меҳнат хавфсизлигига бевосита алоқадордир. Масалан, 241-модда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланадиган ишлар доираси ва қўламини белгилаб беради.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ходимларнинг соғлиги, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бошқа ишларда фойдаланиш таъқиқланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг белгилаб қўйилган нормадан ортиқ оғир юк кўтаришлари ва ташишларига йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ишлар рўйхати ва ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлган оғир юк нормаларининг чегарасини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгилайди (ЎзР 12.05.2001 й. 220-П-сонли қонуни таҳриридаги қисм).

Ёки, 242-модда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар учун қисқартирилган иш вақтининг муддатига бағишланган.

Иш вақтининг муддати ўн олтидан ўн саккиз ёшгача

бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган шахслар учун эса ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган қилиб белгиланади.

Ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги иш вақти муддати ушбу модданинг биринчи қисмида тегишли ёшдаги шахслар учун назарда тутилган иш вақти энг кўп муддатининг ярмидан ортиб кетиши мумкин эмас.

Ёки 243-модда ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ тўлашга бағишланган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг кундалик иш вақти қисқартирилган ҳоллардаги меҳнатига ҳақ кундалик иш вақти тўлиқ бўлган чоғда тегишли тоифадаги ходимларга бериладиган миқдорда тўланади.

Фермер хўжалигида бўш вақтида ишлаётган ўқувчиларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ тўланади.

Ёки 244-модда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга йиллик меҳнат таътили беришга бағишланган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга камида ўттиз календарь кундан иборат йиллик таътил берилади ва улар бу таътилдан ёз вақтида ёки йилнинг ўзлари учун қулай бўлган бошқа вақтида фойдаланишлари мумкин.

Башарти таътил берилаётган йил ходим ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар ва тўлгандан кейинги даврларни ўз ичига олса, таътилнинг муддати ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар бўлган иш стажи учун – ўттиз календарь кун ҳисобидан, ўн саккиз ёшга тўлгандан кейинги иш стажи учун эса, умумий тартибда ҳисоблаб чиқарилади. Қаранг: МКнинг 142-моддаси.

Ёки, 245-модда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тўнги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш

кунларидаги ишларга жалб этишнинг таъқиқланишига бағишланган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишлар ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш таъқиқланади. Қаранг: МКнинг 122, 124, 129, 130-моддалари.

Ёки, 246-модда меҳнат шартномасини бекор қилишда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг қўшимча кафолатларига бағишланган.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш, меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, маҳаллий меҳнат органининг розилиги билан йўл қўйилади (Қаранг:МКнинг 100-103, 107-110-моддалари).

Ёки, 247-модда меҳнат шартномасини ота-оналар, васийлар (ҳомийлар) ва бошқа ваколатли органлар талаби билан бекор қилишга бағишланган.

Ота-оналар ва васийлар (ҳомийлар), шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар ҳамда вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар, агар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар бажараётган ишни давом эттириш улар соғлигига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, бундай шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб этишга ҳақлидирлар.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоа шартномаси асосида меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсияларни инobatга олган ҳолда йиллик тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш учун маблағ ажратади.

Биз биламизки, фермер ўзининг иш фаолиятини “Фермер

хўжалиги тўғрисида”ги қонун бўйича амалга оширади.

Қонунинг 8-моддаси фермер хўжалигининг Низоми тўғрисида бўлиб, уставнинг моҳияти, мазмуни, фермер хўжалигини бошқариш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, фермернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хўжаликни қайта ташкил этиш ёки тугатиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан “Фермер хўжалигининг намунавий Низоми” тасдиқланган. Ушбу ҳужжат орқали ҳар бир фермер ўзининг шароити, ихтисослигини ҳисобга олган ҳолда фермер хўжалиги Низомини қабул қилади. Мазкур низомда фермер кишлоқ хўжалиги ишларини бажаришда ёшларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашга оид махсус бандларни меҳнат кодексининг юқорида келтирилган моддалари асосида киритишлари лозим ва ушбу моддаларни бажаришни у ўзининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириши керак.

3. Мажбурий меҳнат ва улардан фойдаланишга қарши кураш бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенциялари ва миллий қонунчилик

Мажбурий меҳнат нима эканлигини халқимиз жуда яхши билади. Пахта якка ҳокимлиги даврида ёшларимиз, меҳнаткашларимиз кўрган кунларини эслаганларида вужудлари титраб, ақллари жунбушга келади. Мустақиллик бизга меҳнат, меҳнатга муносабат эркинлигини берди. Бу масала бош комусимизда муҳраб кўйилган. Меҳнат муҳофазаси эса давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада биз халқаро меҳнат ташкилотлари билан ҳамкорликда талай ижобий ишларни амалга оширмоқдамиз. Қуйида кўриб чиқиладиган халқаро конвенцияларнинг мазмуни ва моҳияти меҳнатга муносабат ва унинг оқибатлари тўғрисида кенгрок мулоҳаза юритиш имконини беради.

1930 йил 28 июнда Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 14-сессиясида қабул қилинган



“Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-Конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 492-I-сонли Қарорига мувофиқ ратификация қилинди.

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси зўраки ёки мажбурий меҳнатни қўллашнинг барча шакллари имкон қадар қисқа муддатда бекор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Бунинг тўла бекор қилиниши мақсадида, зўраки ёки мажбурий меҳнат фақат ўтиш даврида жамоат мақсадларида ва истисно тариқасида айрим ҳолларда кўзда тутилган шарт ва кафолатлар билан қўлланиши мумкин.

«Зўраки ёки мажбурий меҳнат» атамаси ўз хизматларини ихтиёрий равишда таклиф этмаган, бирор бир шахсдан ҳар хил жазолар билан қўрқитиш йўли орқали талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни англади.

Лекин «зўраки ёки мажбурий меҳнат» атамаси ушбу Конвенция мақсадлари учун қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

- а) мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонунларга мувофиқ талаб қилинадиган ва ҳақиқий ҳарбий тусдаги ишларга қўлланиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат;
- б) тўла ўзини-ўзи бошқарадиган мамлакат фуқароларининг одатдаги фуқаролик бурчларининг бир қисмини ташкил қиладиган ҳар қандай иш ёки хизмат;
- с) ҳар қандай шахсдан суднинг ҳукмига кўра талаб қилинадиган ҳар қандай иш ва хизматни, башарти мазкур иш ёки хизмат давлат ҳокимияти органларининг кузатуви ва назорати остида бажарилса ҳамда мазкур шахс хусусий шахслар, компаниялар ёки бирлашмалар ихтиёрига ўтказилмаса ёки берилмаса;
- д) фавқулодда ҳолатлар шароитида, яъни уруш ёки фалокат ёхуд фалокат таҳдиди ҳолатларида, хусусан, ёнғин, сув тошқини, очлик, зилзила, кучли эпидемия,

зарарли ҳайвонлар, ҳашаротлар ёки паразитларнинг хужуми ҳолларида ва, умуман, жами аҳоли ёки аҳоли бир қисмининг ҳаёти ёки барқарор ҳаётининг шароитини хавф остига қўядиган ёки қўйиши мумкин бўлган вазиятлар талаб қилинадиган ҳар қандай иш ёки хизматни;

е) жамоавий тусдаги кичик хизматлар, яъни жамоанинг бевосита фойдаси учун мазкур жамоа аъзолари томонидан бажариладиган ва шу туфайли жамоа аъзоларининг одатдаги фуқаролик бурчлари деб ҳисобланиши мумкин бўлган ишларни, башарти мазкур жамоа аъзолари ёки унинг бевосита вакиллари шу ишларнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича ўз фикрларини билдириш ҳуқуқига эга бўлсалар.

Ушбу Конвенция мақсадлари учун «ваколатли ҳокимият органлари» атамаси тегишли ҳудуднинг олий марказий ҳокимият органини англатади.

Ваколатли ҳокимият органлари хусусий шахслар, компаниялар ёки бирлашмалар манфаати учун зўраки ёки мажбурий меҳнат тайинламайди ёки тайинланишига рухсат бермайди.

Солиқ сифатида талаб қилинадиган зўраки ёки мажбурий меҳнат ҳамда жамоат ишларини бажариш учун маъмурий вазифаларни бажарувчи бошлиқлар мурожаат қиладиган зўраки ёки мажбурий меҳнат аста-секинлик билан бекор қилинади.

Мазкур бекор қилиш амалга оширилгунга қадар зўраки ёки мажбурий меҳнат солиқ сифатида талаб қилинадиган ҳамда зўраки ёки мажбурий меҳнатга жамоат ишларини бажариш учун маъмурий вазифаларни бажарувчи бошлиқлар мурожаат қиладиган ҳолларда тегишли ҳокимият олдиндан куйидагиларга ишонч ҳосил қилиши лозим:

а) бажарилиши лозим бўлган хизмат ёки иш уларни

бажарадиган жамоа учун бевосита ва муҳим аҳамият касб этиши;

б) шу хизмат ёки иш ҳозир ва яқин вақтларда зарур бўлиши;

с) мавжуд ишчи кучи ҳамда унинг шу ишни бажариш қобилиятини эътиборга олиб, бу иш ёки хизмат оқибати аҳоли учун оғир юк бўлмаслиги;

д) мазкур иш ёки хизматни бажариш ишчиларни уларнинг одатдаги турар жойларидан кўчишга мажбур этмаслиги;

е) мазкур иш ёки хизмат бажарилишига раҳбарлик дин, жамоат ҳаёти ва қишлоқ хўжалик талабларига мувофиқ тарзда олиб борилиши.

Зўраки ёки мажбурий меҳнатга фақат катта ёшли, меҳнатга лаёқатли ҳамда ёши ўн саккиздан кам бўлмаган ва қирқ беш ёшдан катта бўлмаган эркаклар жалб қилиниши мумкин. Ушбу Конвенциянинг 10-моддасида назарда тутилган тоифадаги ишларни истисно қилганда қуйидаги чеклашлар ва шартлар кўлланилади:

а) барча ҳолларда маъмурият тайинлаган врач томонидан мазкур шахсларнинг юқумли касалликлар билан оғримагани ҳамда улар талаб қилинаётган иш ва меҳнат шароитлари учун жисмонан яроқлилигини имкон қадар олдиндан аниқлаш;

б) мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларни, шунингдек, барча маъмурий ходимларни озод қилиш;

с) ҳар бир жамоада оилавий ва ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган миқдордаги катта ёшли ва меҳнатга лаёқатли эркакларни қолдириш;

д) оилавий ва эр-хотинлик муносабатларини ҳурмат қилиш.

Ҳар қандай шахсни турли шаклдаги зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб этиш мумкин бўлган энг кўп муддат йилига

олтмиш кундан ошмаслиги керак, бунда иш жойига бориш ва қайтиш вақти ҳам шу олтмиш кун ичига киритилади. Зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган ҳар бир ишчига унинг бундай меҳнатга жалб қилинган даври кўрсатилган гувоҳнома берилади. Зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган ҳар бир шахснинг нормал иш куни давомийлиги эркин ёлланган меҳнаткаш меҳнат шароитлари учун амалда қўлланиладиган иш кунининг давомийлигидек бўлиши керак ва одатдаги нормадан ташқари ишланган вақтга худди эркин ёлланган ишчига одатдаги иш вақтидан ташқари ишга ҳақ тўланадиган миқдордагидек ҳақ тўланади.

Ҳар қандай шаклдаги зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган барча шахсларга ҳафтада бир марта дам олиш куни берилади ва бу кун имкон қадар мазкур ҳудуд ёки минтақанинг анъаналари ҳамда одатлари билан белгиланадиган дам олиш кунига тўғри келиши лозим.

Ушбу Конвенциянинг 10-моддасида назарда тутилган ишлардан ташқари, барча шаклдаги зўраки ёки мажбурий меҳнат учун, меҳнатга жалб қилинган ёки ёлланган ҳудудда шундай турдаги ишларга нисбатан қўлланилаётган миқдордан кам бўлмаган миқдорда, юқори миқдор қандай бўлишидан катъий назар, нақд пулда ҳақ тўланади.

Иш маъмурий вазифаларни бажарувчи бошлиқлар томонидан тайинланган ҳолларда аввалги банднинг қоидаларига мувофиқ имкон қадар қисқа муддатда ҳақ тўлаш жорий қилинади. Иш ҳақи ҳар бир ишчининг бригадаси ёки қандайдир бошқа ҳокимият органи бошлиғига эмас, шахсан унинг ўзига тўланади.

Иш ҳақини олиш мақсадида иш жойига бориш ва қайтиб келиш учун кетган кунлар ишланган кунлар деб ҳисобланади.

Ушбу модда ишчиларга одатдаги озик-овқат паёқларини иш ҳақининг бир қисми сифатида беришни таъқиқламайди, фақат бу паёқлар қиймати камида уларга таклиф қилинган

маблағ миқдорига тенг бўлиши керак. Лекин иш ҳақидан на солиқ учун, на ишчиларни алоҳида меҳнат шароитларида ишни давом эттира оладиган ҳолатда сақлаш мақсадида алоҳида овқатлантириш, кийинтириш учун ёки турар жой билан таъминлаш учун, на уларга иш асбоблари берганлик учун ҳеч қандай чегирмалар ушлаб қолинмайди.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари учун компенсация беришга оид ҳар қандай қонун ҳужжатлари ҳамда шу ҳудудда ишлаган ёки ишлайдиган, вафот этган ёки меҳнат лаёқатини йўқотган ишчиларнинг қарамоғида турган шахсларга нафақалар тўланишини кўзда тутувчи ҳар қандай қонун ҳужжатлари зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган шахсларга нисбатан худди эркин ёлланган ишчиларга қўлланиладигандек тенг асосда қўлланилади.

Ҳар қандай ҳолатда, ишчини зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилаётган ҳар бир ҳокимият органи зиммасига, агар ушбу ишчи ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида ҳаётий эҳтиёжлар учун ишлаш қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотса, унинг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш мажбурияти юклатилади. Мазкур ҳокимият органига, шунингдек, вафот этган ёки иш натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган ишчи қарамоғидаги ҳар қандай шахсни боқишни таъминлаш чораларини кўриш мажбурияти юклатилади.

Зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган шахслар, фавқулудда зарурат ҳолларидан ташқари, овқатланиш ва иқлим шароити одатдаги ҳаёт шароитидан соғлиққа хавф соладиган даражада ажралиб турадиган ҳудудларга ўтказилмаслиги керак.

Ишчилар шароитга мослашиши ва улар соғлиғини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган гигиена вауй-жой шароитига нисбатан барча чора-гадбирлар қатъий амалга оширилмагунча ишчиларни бундай ўтказишга ҳеч қандай ҳолда рухсат берилмаслиги керак.



Агар бундай ўтказишнинг олдини олиш мумкин бўлмаса, ишчиларнинг янги овқатланиш ва иқлим шароитига аста-секин мослашувини таъминловчи чора-тадбирлар кўриш учун ваколатли тиббиёт муассасаси билан маслаҳатлашилади. Агарда ишчилар улар учун одатий бўлмаган ишларни доимий равишда бажаришга жалб қилинса, уларнинг мазкур иш турига мослашишларини таъминловчи чоралар, хусусан, заруратга қараб аста-секин ўқитиш, иш соатлари, дам олиш учун танаффуслар бериш ва зарурий овқат рационини яхшилаш чоралари кўрилади.

Ваколатли ҳокимият органлари ишчиларни иш жойларида узоқ вақт давомида қолиб кетишига олиб келувчи қурилиш ёки маъмурий ишларни бажариш учун зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилишга рухсат беришдан олдин қуйидагиларга ишонч ҳосил қилишлари лозим:

Ишчиларга зарурий тиббий ёрдам ва тегишли гигиеник шароитларни таъминлаш учун керакли чора-тадбирлар кўрилганлигига, хусусан:

мазкур ишчилар иш бошлангунга қадар ҳамда улар иш билан банд бўлган бутун давр мобайнида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туришлари;

старлица тиббиёт ходимлари билан таъмин-ланганлиги, шунингдек, барча эҳтиёжлар учун зарур бўлган амбулаториялар, шифохоналар ва касалхоналар ташкил қилинганлиги ва барча зарурий ускуналар билан таъминланганлиги;

иш жойида қониқарли гигиеник шароит билан таъминланиши, ишчиларнинг ичимлик суви, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи, шунингдек, ошхона асбоб-ускуналари билан таъминланиши ҳамда зарурат бўлган ҳолда қониқарли кийим-бош вауй-жой берилиши;

ишчи оиласининг ҳаётини таъминлаш учун тегишли тадбирлар кўрилиши, хусусан ишчилар маошининг бир

қисмини уларнинг розилиги ёки илтимоси билан ишончли тарзда оилаларига юборилишини енгиллаштириш йўли билан;

ишчиларнинг иш жойига бориши ва қайтиши маъмурият ҳисоби ва маъмуриятнинг масъуллигида таъминланиши ҳамда барча транспорт воситаларининг турларидан фойдаланган ҳолда мазкур қатновларнинг енгиллаштирилиши;

ишчи касаллик ёки бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ҳолда унинг одатий яшаш жойига қайтиши маъмурият томонидан амалга оширилиши;

хар қандай ишчи ўзининг зўраки ёки мажбурий меҳнат муддати тугаганидан сўнг эркин ёлланувчи ишчи сифатида ишни давом эттиришни хоҳласа, у икки йил мобайнида ўзининг одатий яшаш жойига бепул қайтиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмаган ҳолда бунга ҳақлидир.

Шахслар ёки юкларни ташиш мақсадидаги зўраки ёки мажбурий меҳнат, хусусан, юкчилар ва эшкакчилар меҳнати имкон қадар қисқароқ муддатда бекор қилинади. Мазкур бекор қилиш амалга ошгунга қадар, ваколатли ҳокимият органлари қуйидагиларни белгилайдиган тартиб-қоидаларни эълон қилишлари шарт:

- 1) мазкур меҳнат шаклидан фақат маъмурият мансабдорларининг ўз вазифаларини бажариш пайтида кўчишини енгиллаштириш ёки маъмурият юкларини ташиш мақсадида ёхуд мансабдор бўлмаган бошқа шахсларни ташишга ниҳоятда шошилиш зарурат пайдо бўлганда фойдаланиш мажбурияти;
- 2) бундай ташишларга фақат дастлабки тиббий текшириш натижасида жисмонан яроқли деб топилган эркак ишчиларнигина жалб қилиш мажбуриятини, башарти бундай тиббий текширишнинг имкони мавжуд бўлса, агар имкони бўлмаса мазкур ишчи кучидан фойдаланувчи шахс меҳнат билан машғул бўлган

ишчининг зарурий жисмоний қобилиятга эгаллиги ҳамда юкумли касалликлар билан оғримаслигига ишонч ҳосил қилиши шарт;

3) ишчи ташиши лозим бўлган юкнинг энг оғир вазни;

4) ишчилар ўзларининг одатий яшаш жойларидан йироқ бўлиши мумкин бўлган энг узок масофани;

5) ойда ёки бошқа ҳар қандай муддатдаги ишчилар меҳнатга жалб қилиниши мумкин бўлган кунларнинг максимал сони, бунда ишчининг яшаш жойига қайтиш учун сарфлайдиган кунлари ҳам қўшиб ҳисобланади;

6) зўраки ёки мажбурий меҳнатнинг мазкур шаклига жалб қилиш ҳуқуқига эга шахсларни, шунингдек, уларнинг ваколатлари чегараларини.

Аввалги банднинг 3, 4, 5 - кичик бандларида назарда тутилган энг юқори даражани аниқлашда ваколатли ҳокимият органлари мазкур масалага тааллуқли барча омилларни, шу жумладан, ишчи кучи тақдим этиши лозим бўлган аҳолининг жисмоний лаёқатини, ишчилар босиб ўтиши лозим бўлган йўналиш хусусиятини, шунингдек, иклим шароитини ҳисобга оладилар.

Бундан ташқари, ваколатли ҳокимият органлари ташувчиларнинг кундалик нормал йўналиши ўртача иш кундаги саккиз соат давом этадиган масофадан ошмаслигини таъминлайдилар, мазкур масофани аниқлашда нафақат юк вазни ва йўналиш узунлиги, балки йўлнинг ҳолати, йил фасли ва шунга тааллуқли бошқа барча омиллар ҳам ҳисобга олинади. Ишдаги зарурат туфайли иш вақтидан ташқари қилинган меҳнат учун одатий маошдан кўпроқ миқдорда ҳақ тўланади.

Ваколатли ҳокимият органлари ерга мажбурий ишлов беришни қўллашга фақат очлик ёки озик-овкат маҳсулотларининг етишмаслигининг олдини олиш мақсадларида ва ҳар доим бунинг натижасида олинган



маҳсулотлар ёки озиқ-овқатлар уларни етиштирган шахслар ва жамоанинг ўзиники бўлиши шарти билан рухсат берадилар.

Ушбу модда, жамоа аъзоларининг мажбуриятини, яъни қонунга ёки одатларга мувофиқ жамоада талаб этилаётган ишни бажариш мажбуриятини – ишлаб чиқариш қонун ёки одатларга мувофиқ жамоавий асосда ташкил қилинса ва маҳсулотлар ёки шу маҳсулотларни сотишдан келган фойда жамоанинг ўзиники бўлиб қолса – бекор қилишга асос бўла олмайди.

Жамоанинг бирор-бир аъзоси томонидан содир этилган жиноят учун бутун жамоа аъзоларига нисбатан жамоавий жазони назарда тутувчи қонунчилик жамоага нисбатан зўраки ёки мажбурий меҳнатни жазо чораси сифатида қўллашни назарда тутмаслиги лозим.

Ваколатли давлат органлари мазкур Конвенция қоидаларини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида зўраки ва мажбурий меҳнатни қўллашнинг аниқ ва муфассал тартиб-қоидаларини белгилайдилар. Бу тартиб-қоидалар, хусусан, зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган ҳар бир шахсга, унга тақдим этиладиган меҳнат шароитларига нисбатан ҳокимият органларига ўз эътирозини билдиришга рухсат этадиган ва шу эътирознинг кўриб чиқилиши ва эътиборга олиншини кафолатлайдиган қоидаларни ўз ичига олади.

Барча ҳолатларда зўраки ёки мажбурий меҳнат қўлланилишини бошқарувчи тартиб-қоидалар қатъий равишда ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш учун барча ҳолларда тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Хусусан, оддий меҳнатни назорат қилиш учун таъсис этилган ҳар қандай меҳнат инспекцияси органининг мажбуриятини зўраки ёки мажбурий меҳнатни назорат қилиш вазифаси билан кенгайтириш орқали ёки исталган бошқа мос келадиган усул ёрдамида амалга оширилади. Шунингдек, зўраки ёки мажбурий меҳнатга жалб қилинган шахсларни бу тартиб-қоидалардан хабардор қилиш чоралари кўрилади.

Зўраки ёки мажбурий меҳнатга ноқонуний жалб қилиш жиноий тартибда таъқиб қилинади ҳамда ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси қонунда кўрсатилган санкцияларнинг чинакам самарадорлигини ва уларга қатъий риоя қилинишини таъминлаши шарт.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1935 йил 21 июнда “**Қирк соатлик иш ҳафтаси тўғрисида**”ги 47-Конвенцияси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 19-сессиясида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 83-И-сон Қарорига мувофиқ ратификация қилинган.

Ишсизлик кенг миқёсолганлиги ва узоқ вақт давом этаётганлиги, жаҳон бўйича миллионлаб меҳнаткашлар қийинчилик ва қашшоқликдан азоб чекаётганликлари ва бунинг учун улар жавобгар эмасликларини ҳамда бу азоблардан халос бўлиш учун қонуний ҳуқуққа эга эканликларини эътиборга олиб, Меҳнат масалалари бўйича Халқаро Конференция «Қирк соатлик иш ҳафтаси тўғрисида»ги Конвенцияни тасдиқлади:

Ушбу Конвенцияни ратификация қиладиган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси қуйидагиларни маъқуллашини билдиради:

- а) меҳнаткашлар ҳаёт даражасининг пасайишига олиб келмайдиган даражада қўлланадиган қирк соатлик иш ҳафтаси тамойилини;
- б) мазкур мақсадга эришиш учун мақбул деб ҳисобланиши мумкин бўлган чора-тадбирлар кўриш ёки уларни қўллаб-қувватлаш.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти 1958 йил 25 июнда “**Меҳнат ва бандлик соҳасида камситиш тўғрисида**”ги 111-Конвенцияси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 42-сессиясида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги 499-И-сонли Қарорига мувофиқ ратификация қилинган.

Барча инсонлар ирқи, этноқиоди ёки жинсидан қатъи назар, иқтисодий барқарорлик ва тенг имконият, эркинлик ва кадр-қимматлари таъминланган шароитда ўз моддий фаровонлиги ва маънавий ривожига эришиш ҳуқуқига эгаллиги, камситиш Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида эълон қилинган ҳуқуқларни бузиш ҳисобланишини эътиборга олиб, «Меҳнат ва бандлик соҳасида камситиш тўғрисидаги Конвенция» си қабул қилинди:

Ушбу Конвенцияда «камситиш» атамаси қуйи-дагиларни ўз ичига олади:

а) меҳнат ёки бандлик соҳасидаги тенг муносабат ёки имкониятни йўқ қилувчи ёки ёмонлаштирувчи таъсирга эга бўлган ирқ, тана ранги, жинс, дин, сиёсий қарашлар, миллий мансублик ёки ижтимоий келиб чиқиш белгилари асосидаги ҳар қандай фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйиш;

б) ишчилар ва иш берувчиларнинг вакиллик ташкилотлари ҳамда бошқа тегишли органлар билан маслаҳатлашгандан сўнг аъзо томонидан белгиланиши мумкин бўлган, меҳнат ёки бандлик соҳасидаги тенг муносабат ёки имкониятни йўқ қилувчи ёки ёмонлаштирувчи таъсирга эга бўлган бошқа фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйишлар. Махсус талабларга асосланадиган муайян ишларга, нисбатан фарқлаш, ажратиш ёки устун қўйиш камситиш деб ҳисобланмайди.

Ушбу Конвенция мақсадлари учун «меҳнат» ва «бандлик» атамалари касб ўрганиш имконига, меҳнат ва муайян иш турларига эга бўлишни ҳамда меҳнат соҳасидаги шарт-шароитларни ўз ичига олади.

Ҳар бир аъзо, меҳнат ва бандлик соҳасидаги тенг муносабат ва имкониятга, миллий тартиблар ва амалиётга мос усуллар орқали ҳар қандай камситишни йўқ қилишни рағбатлантиришга мўлжалланган миллий сиёсатни эълон

қилиш ва амалга ошириш мажбуриятини олади ва:

а) шу сиёсатнинг маъқулланиши ва унга риоя қилинишига кўмаклашишда иш берувчилар ва меҳнаткашлар ташкилотлари ва бошқа тегишли органлар ҳамкорлигини таъминлашга интилиш;

б) шу сиёсатнинг маъқулланиши ва унга риоя қилинишини таъминлашга мўлжалланган тегишли қонунларни қабул қилиш ва тегишли таълим дастурларини қўллаб-қувватлаш;

с) шу сиёсатга мос келмайдиган ҳар қандай қонун-қоидаларни бекор қилиш ва ҳар қандай маъмурий, қарорларни ва амалиётни ўзгартириш;

д) меҳнат соҳасидаги сиёсатни бевосита миллий ҳокимият назорати остида амалга ошириш;

е) касб танлаш, касбга ўқитиш ва иш билан таминлаш соҳасидаги муассасалар фаолиятидаги ўрнатилган сиёсатга ҳукумат бошқаруви остида риоя қилинишини таъминлаш;

ф) шу сиёсатга биноан амалга оширилган тадбирларни ва мазкур тадбирлар орқали эришилган натижаларни ўзининг ушбу Конвенция қўлланилиши тўғрисидаги ҳар йилги ҳисоботларида кўрсатишлари керак.

Давлатнинг хавфсизлигига путур етказувчи фаолият билан шуғулланадиган ёки шуғулланиши тўғрисида шубҳа бўлган шахсга қарши қаратилган ҳар қандай чоралар, агар ушбу шахс миллий амалиётга мувофиқ ташкил этилган ваколатли органга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлса, камситиш ҳисобланмайди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конференцияси томонидан қабул қилинган бошқа Конвенциялар ва тавсияларда кўзда тутилган ҳимоя ёки ёрдам бериш бўйича махсус чоралар камситиш деб ҳисобланмайди.

Ҳар бир аъзо ишчилар ва иш берувчиларнинг вакиллик ташкилотлари билан маслаҳатлашгандан сўнг, жинси, ёши, меҳнат қобилиятини йўқотганлиги, оилавий мажбуриятлари ёки ижтимоий ёхуд маданий савияси каби сабабларга кўра махсус ҳимоя ва ёрдамга мухтож деб топиладиган шахсларнинг алоҳида ихтиёжларини қондиришни назарда тутувчи махсус чоралар камситиш деб ҳисобланмаслигини белгилаши мумкин.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1964 йил 9 июлда **“Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”**ги 122-Конвенцияси Халқаро Меҳнат Ташкилоти Бош Конференциясининг 48-сессиясида қабул қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 6 майдаги 86-І-сонли Қарорига мувофиқ ратификация қилинган.

Дунё халқлари орасида тўла иш билан таъминланиш ва ҳаёт даражасини кўтаришга эришиш ҳар бир инсон меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилганлигини эътиборга олиб, иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсатга бевосита боғлиқ бўлган «Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида»ги 1964 йилги Конвенция қабул қилинди.

Ҳар бир Аъзо, иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантириш, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида аҳолини тўла, самарали ва эркин танланган иш билан таъминланишга қаратилган фаол сиёсатни асосий вазифа сифатида эълон қилади ва амалга оширилади.

Бусиёсат қуйидагиларни амалга оширишни кўзлайди:

- а) ишга яроқли ва иш излаётганларнинг барчаси учун иш бўлиши;
- б) бундай иш имкон қадар самарали бўлиши;
- с) ҳар бир ишчи ирки, танасининг ранги, жинси, миллий мансублиги ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар

Ўзига мос келадиган ва ўз имкониятларини қўллай оладиган ишга жойлашиши учун керак бўладиган малака олиш учун имкониятларга ва иш танлаш эркинлигига эга бўлишини ушбусиёсат, иқтисодий ривожланишнинг босқичи ва даражасини, бандлик соҳасидаги мақсадлар билан бошқа иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тегишлича ҳисобга олади ҳамда миллий шароит ва амалиётга мос келадиган усуллар орқали амалга оширилади.

Ҳар бир Аъзо миллий тартибларга мувофиқ қуйидаги усуллар орқали:

- а) I-моддада кўрсатилган мақсадларга эришиш учун кўриладиган чораларни мувофиқлаштирилган иқтисодий ва ижтимоий сиёсат доирасида белгилайди ҳамда ўз назоратида ушлаб туради;
- б) мазкур чораларни қўллаш учун зарур бўлиши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга оширади, шу жумладан, мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда дастурлар ишлаб чиқади.

Мажбурий меҳнат ва улардан фойдаланишга қарши кураш бўйича Халқаро Меҳнат Ташкилотининг конвенцияларини амалга ошириш бўйича миллий институтлар ҳамда Адлия, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари изчил тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг ҳамда Республика Фуқаролик Кодексининг талай моддаларига жиддий ўзгартиришлар киритилмоқда.

Ўзбекистонда мажбурий меҳнат ва ундан фойдаланишга қарши кўрилган чора-тадбирлар орасида энг муҳими 14 май 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳисобланади.

Маълумки, 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришга доир аниқ ҳамда амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Республикада ХМТ Конвенцияларини ҳаётга татбиқ этишга доир миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинди, мазмуни ва моҳияти ХМТ методологияси бўйича миллий меҳнат қонунчилигини ва меҳнат бозорини ривожлантиришга, бандликни, ижтимоий муҳофазани ва аҳоли билан мулоқотни таъминлашга йўналтирилган муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури бажарилмоқда. Ушбу Ташкилот экспертларининг бевосита иштирокида қишлоқ хўжалигида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш мониторинги олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида» 2017 йил 4 октябрдаги СҚ-231-III-сон қарори билан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан бирон-бир шаклда фойдаланишнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича ушбу йўналишда комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган парламент назорати институти жорий этилди.

Кўрилган чора-тадбирлар болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш, шунингдек, мажбурий меҳнатнинг олдини

олиш ва бунга йўл қўймаслик учун етарли норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш имконини берди, бу жаҳон ҳамжамияти, хусусан, ХМТ, Жаҳон банки ва Европарламент томонидан юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, сўнгги пайтда барча даражадаги ҳокимлар томонидан таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги турли ишларга мажбурий жалб қилиш шаклида меҳнат қонунчилиги нормаларини бузиш билан боғлиқ айрим ҳолатлар кузатилган эди. Мансабдор шахсларнинг хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, юқорида қайд этилган шахсларни кўркитиш, уларга нисбатан ҳақоратли сўзларни ва хаттоки, куч ишлатиш ҳолатлари ҳам қайд этилган эди.

Ушбу ҳолат бундай ишларни бажаришга мажбурлаш давомида мазкур ишларга жалб этилган шахсларнинг жароҳат олишига ва айрим ҳолларда ҳалок бўлишига сабаб бўлаётган кўнгилсиз воқеалар рўй бераётгани билан янада мураккаблашди.

Маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг бундай ҳатти-ҳаракатлари Республиканинг қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлиб, унинг жаҳон майдонидаги нуфузига путур етказди, мамлакат Ҳукумати ишига, биринчи навбатда, билимли ва соғлом баркамол авлодни тарбиялашга катта зарар етказди, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш ва ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган барча саъй-ҳаракатларнинг обрўсини туширди.

Бундан буён бу каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, давлат органлари ишидаги тизимли камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига тўлиқ барҳам бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ушбу қарорни қабул қилди.

Бунда:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа қонун ҳужжатларида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлангани, ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланиш, бирон-бир жазо қўлланиши билан кўрkitган ҳолда ишларни бажаришга мажбурлашни таъқиқловчи нормалар мустаҳкамланганини эътиборга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан:

а) фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларни мажбурий меҳнатга, шу жумладан туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, металл чиқиндилари ва макулатура йиғиш, шунингдек, бошқа турдаги мавсумий ишларга жалб қилиш ҳолатларининг зудлик билан олдини олишлари ва бунга чек қўйишлари;

б) фуқароларни, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, талабалар ва таълим муассасалари ўқувчиларини мажбурий жамоат ишларига бевосита ёки билвосита жалб қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий интизомий чоралар кўрилиши;

в) мажбурий меҳнатдан фойдаланиш бўйича аниқланган ҳар бир ҳолат юзасидан тегишли ахборотни жавобгарлик чораларини қўллаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига зудлик билан етказиш белгилаб қўйилди.

Қарорга кўра энди Ўзбекистонда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ҳашарлар қуйидаги шартларга



қатъий риоя этилган ҳолда фақат ихтиёрий тарзда ташкил этилади ва ўтказилади:

1) умумхалқ ҳашарини ўтказиш тўғрисида фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжати ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори мавжуд бўлганда;

2) ҳашарлар унда иштирок этадиган шахслар меҳнат қиладиган тегишли ташкилот ҳудудида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик нормаларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади;

3) ҳашарлар доирасида барча бошқа турдаги жамоат ишлари, шу жумладан қурилиш-таъмирлаш ва кишлоқ хўжалиги ишларига мажбурий жалб этишга қатъий йўл қўйилмаган ҳолда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш ишлари амалга оширилади;

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фақат тегишли маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, моддий-маданий мерос объектларини зарур ҳолатда сақлаш, қабристонларни куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда зарур ҳолатда сақлаш ишларида аҳолининг ихтиёрий иштирок этишини ташкил этади.

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

а) ходимларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, бирон-бир шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари амалга оширилишини назорат қилиш чораларини кучайтиради;

Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликла-

ри ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат органларининг, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлари қизгин даврда ходимларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этилиши бўйича фаолияти юзасидан тизимли мониторинг олиб боради. Ўтказилган мониторинг яқунлари бўйича фуқаролик жамияти институтларини жалб этган ҳолда, хусусан, ҳудудларда оммавий эшитувлар ташкил этилишини таъминлайди, бунда мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг ҳар бир ҳолати, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида муҳокама қилиниши амалга оширилади.

Қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан назоратни кучайтириш, бу борадаги текширувлар самарадорлигини ошириш ва мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланганда эса айбдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш топширилган.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига жамоа шартномаси ва меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, хусусан, мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олиш борасида ташкилотлардаги касаба уюшмалари бошланғич бўғинларининг жавобгарлик чораларини кучайтириш, мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланган тақдирда улар тўғрисида прокуратура органларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига зудлик билан маълум қилиш, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликда ушбу соҳадаги жамоатчилик назоратини фаоллаштириш тавсия этилган.



Қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарори талабларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаган ҳолда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолини кенг жалб этиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш топширилган.

Жамғарма маблағларидан мақсадли, самарали ва режали фойдаланилиши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари фаолияти натижаларини баҳолашнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Қарорга кўра Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда фуқароларни мажбурий жамоат ишларига ноқонуний жалб қилиш ёки ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланишда айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ваколатларини кенгайтириш, шу жумладан, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан назоратни кучайтиришга доир ваколатлари кенгайтирилди.

Ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини қайта кўриб чиқиш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш топширилди.



4. Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликга амал қилиш ва миллий-ҳуқуқий норматив ҳужжатлар

Ўзбекистон БМТнинг аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган барча ташаббусларини қўллаб-қувватлайди ва маъқуллайди. Ўзбекистонда аёлларнинг, уларнинг миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этникоди, шахсий ва ижтимоий аҳволи ҳамда турар жойидан қатъи назар, барча ҳуқуқларини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилади. Давлат томонидан шаҳар ва қишлоқ жойларида яшайдиган аёлларнинг турмушини яхшилашга мутаносиб ёндашув таъминланмоқда.

Аёллар ҳолати ҳуқуқий механизмнинг тадрижий ривожланиши - 1995 йил БМТнинг Хотин - қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги 1979 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган конвенциясига Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб аъзо бўлди.

Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1949 й.), Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1952 й.), Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар Платформаси (1995 й.), шунингдек, Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазоланишнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенция (1984 й.), Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги конвенция (1960 й.), Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1990 й.), Халқаро меҳнат ташкилотининг бир хил қийматга эга бўлган меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги конвенцияси №100 (1951 й.), Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103-конвенцияси (1956 й.), Меҳнат ва

машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги конвенцияси №111 (1958 й.), Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисидаги конвенцияси №122 (1964 й.), Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш №138 (1973 й.) ва Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенциясини №182 (1999 й.) ратификация қилиш миллий даражада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларини имплементация қилиш бўйича қонунчиликка ва давлат органлари фаолиятининг амалиётига аниқ чораларни ишлаб чиқиш учун зарур халқаро-ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон «Минг йиллик декларацияси»ни имзолаган давлат сифатида декларациянинг мақсадларини давлатни ривожлантириш дастурларига киритиш ва Минг йиллик тараққиёт мақсадларини мунтазам амалга ошириш графигига риоя қилиш бўйича ўз зиммасига маъсулият олди.

Ўзбекистон Минг йиллик тараққиёт мақсадларини амалга оширишда биринчи навбатда, қашшоқликни камайтириш, одамларнинг ҳаётини яхшилаш, жамиятнинг барқарор ривожланишида аёлларнинг ролини ошириш, эркаклар ва аёллар тенглигини таъминлашга қаратилган чораларни изчил амалга оширмоқда.

Мамлакатда таълим, гендер тенглик, соғлиқни сақлаш ва бошқа масалалар бўйича жиддий натижаларга эришилмоқда, бу эса аёллар фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлик билан бевосита боғлиқ. Бу барча чоралар, биринчи навбатда, Конвенция, Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар Платформаси, шунингдек БМТ Бош Ассамблеяси 23 махсус сессиясининг “Аёллар 2000 йилда: эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик, XXI асрда ривожланиши ва тинчлик” якуний ҳужжатининг қоидаларини сўзсиз бажаришга қаратилган.

1995 йилда БМТнинг аёллар аҳволи бўйича IV Умумжаҳон конференциясида қабул қилинган Пекин

ҳаракатлар платформаси алоҳида муҳим ҳисобланади. Унинг мукаддимаси ва 12 бўлими аёллар аҳволини глобал даражада баҳолаш ва бутун дунёда аёллар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича стратегиялар, сиёсат ва чоралар тадқиқот этилган аёллар ҳуқуқлари бўйича энг тўлиқ дастур ҳисобланади.

Давлат мустақиллигининг илк кунидан бошлаб мамлакатимиз аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилинишини, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш масаласини давлат сиёсатининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олган.

Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича изчил ва тизимли сиёсатнинг асосий йўналишлари қўйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг бажарилишини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш;

иккинчидан, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларнинг аҳволини доимий равишда ва комплекс мониторинг қилиш, уларнинг оилада, жамиятда ҳамда жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги ролини ошириш;

учинчидан, аёлларнинг бандлигини таъминлаш бўйича самарали чоралар қабул қилиш ва амалга ошириш, уларни ишга жойлаштириш учун ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, аёллар орасида, айниқса, қишлоқ жойларида тадбиркорликнинг турли шакллари ривожлантириш;

тўртинчидан, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатнинг

ижтимоий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун кўмаклашиш.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда мамлакатни тубдан янгилаш ва модернизациялашга, давлат, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Улар айнан:

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон

Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 28.12.2016 й.

2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 29.12.2016 й.

2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида 18.01.2017 й.

Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 03.02.2017 й.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 31.01.2017 й.

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 02.02.2017 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида 17.02.2017 й.

Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 17.03.2017 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп

квартирالي уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПКҚ-2660-сонли қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида 27.06.2017 й.

Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида 05.07.2017 й.

Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 12.09.2017 й.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 09.10.2017 й.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешита устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида 22.01.2018 й.

2 февраль 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг хотин-қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида 26.04.2018 й.

14 май 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор.

Қабул қилинган қонун ҳужжатлари доирасида Ўзбекистон Ҳукумати, вазирликлари ва идоралари, нодавлат ташкилотлари томонидан аёллар ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-

сиёсий, ижтимоий- иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишларини таъминлаш учун тизимли ва изчил иш олиб борилмоқда.

Бунда ҳар йили қабул қилинадиган ва амалга ошириладиган Давлат дастурларининг аҳамияти катта.

Уларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги норматив-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, жумладан «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президентнинг 2009 йил 13 апрелдаги қарори. «2009 - 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги Президентнинг 2009 йил 1 июлдаги қарори. «Аҳолини иш билан таъминлаш ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотларга нисбатан молиявий санкциялар қўллаш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5 январдаги қарори. «Ўзбекистонда БМТнинг Минг йиллигини ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора - тадбирлар тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 январдаги қарори. «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги Конвенцияни 2012 - 2013 йилларда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 мартдаги қарори. «Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 апрелдаги қарори ва

бошқалар шулар жумласидандир.

Умуман олганда, Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий – ҳуқуқий механизмларини ва уларни амалга ошириш тартиботларини янада кучайтириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга боғлиқ.

Ўзбекистон Конвенция доирасида ўз зиммасига олган барча мажбуриятларини изчил бажаришда давом этади ва келажакда ҳам БМТнинг аёллар манфаатларига оид барча ташаббусларини қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатимиз аёллар аҳволини яхшилаш бўйича БМТнинг аёлларга нисбатан камситишга барҳам бериш бўйича кўмитаси ва бошқа халқаро ташкилотлари билан очик ва конструктив ҳамкорликни давом эттирмоқда.

Бу борада қонун ҳужжатларини такомиллаштириш билан бир қаторда, мамлакатимизда гендер тенглиги бўйича миллий институтлар, яни Конституциявий суд, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолияти йўлга қўйилиб уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, ҳозир Адлия ва Ички ишлар вазирликларида, Бош прокуратурада гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича махсус тузилмалар самарали ишлаб турибди.

Шундай бўлишга қарамасдан 2 февраль 2018 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамилаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” фармонида кўрсатилганидек,



биринчидан, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд эмас, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан якка тартибда иш олиб бориш амалиёти йўлга қўйилмаган, хотин-қизлар ўртасида бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фаолият самарасиз ташкил этилган;

иккинчидан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий кадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмаяпти, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг самарадорлиги паст даражада қолмоқда;

учинчидан, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги фаолият етарли даражада ташкил этилмаган, оналар касаллиги ва перинатал касалликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали тизим, айниқса, чекка қишлоқ ҳудудларида мавжуд эмас;

тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрилмаяпти, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга юридик маслаҳатлар бериш механизми замон талабларига жавоб бермайди;

бешинчидан, хотин-қизлар кўмиталарининг кенг қўламли вазифалари зарур ваколатларнинг йўқлиги ва ташкилий-штат бирликларининг етишмаслиги шароитида хотин-қизларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида уларнинг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш имконини бермаяпти;

олтинчидан, Республика «Оила» илмий-амалий

маркази ташкилий бўйсинувининг ноаниқлиги ва зарур молиялаштириш манбаларининг мавжуд эмаслиги, оила муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалий, илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш бўйича унга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига тўсқинлик қилмоқда;

еттинчидан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш, низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ишлар ташкил этилмаган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда Президент фармонида қуйидагилар:

биринчидан, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш;

иккинчидан, хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

учинчидан, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

тўртинчидан, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан яқка тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан

озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш кабилар устувор йўналишлари этиб белгиланган.

Ўзбекистонда гендер масаласини хал қилишда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг 2017-2021 йилларда ёш оилалар ва қизлар билан ишлаш бўйича стратегияси муҳим роль ўйнамоқда. Бу ўз ичига:

1) Мамлакатимиздаги ҳар бир ёш оила ва қизлар ўрта-сида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тиббий маданиятини ошириш, жисмонан ва маънан етук, баркамол авлодни вояга етказиш.

2) Ёш хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, замонавий малакали кадрлар сафини кенгайтиришга кўмаклаштириш.

3) Ўқувчи қизларнинг билим олишга бўлган қизиқишни ошириш, уларга узликсиз таълимнинг мазмун моҳиятини тушунтириш ва касб-хунарга йўналтириш, айниқса, уюлмаган қизларда жамиятнинг ижтимоий фаол аъзоси бўлишга нисбатан қизиқишларини ошириш.

4) Ўрта-махсус касб-хунарга таълими муассасалари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини ишга жойлаштириб бориш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда касбга тайерлаш ишларини аниқ мақсадли ва тизимли ташкил этиш.

5) Ёшларнинг профессионал касб моҳаратини ошириш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш.

6) Ёш оилаларда ижтимоий - маънавий муҳитни соғломлаштириш, хонадонларга ташриф буюриб, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш тизимини

мустаҳкамлаш, ёш хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш улар ўртасидаги салбий ҳолатларни олдини олиш чораларини кўриш.

7) Баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш каби йўналишларни олади.

Булардан ташқари Ўзбекистон Республикасида хотин-қизларни камситишга барҳам бериш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди ҳамда мамлакат ҳаётида аёллар тенг ҳуқуқлигини таъминлаш бўйича Республика ҳукумати томонидан жиддий чоралар кўрилмақда. Булар қаторига ҳукумат томонидан аёллар ва эркаклар тенглигини таъминлашга қаратилган 176 кўрсаткич асосида чора тадбирларнинг амалга оширилаётганлигини келтириш мумкин. Булар орасида аёлларни камситишга барҳам бериш, аёллар савдосининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чора - тадбирларни айтиш мумкин.

Мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида аёллар камситилишига барҳам бериш бўйича кенг тадбирли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда хотин-қизлар ҳокимлик, вазирлик, давлат қўмиталари, ҳукумат идоралари, Президент аппарати кабиларда эркаклар билан тенгма тенг меҳнат қилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева Америка овози телерадиоси журналисти Навбахор Имомованинг

— Сизга ҳозир ташқи дунё, халқаро ҳамжамият, хусусан АҚШ Ўзбекистонда бошланган ислоҳотларни амалга ошираётган етакчи расмийлардан бири сифатида қарайди. Нуфузингиз бу ерда анча баланд. Сиз, биринчидан, Бош вазир ўринбосарисиз ва Хотин-қизлар қўмитаси раисисиз. Бундай олиб қараганда, Ўзбекистондаги энг қийин вазифалардан бири сизнинг зиммангизда. Меҳнат шароитини яхшилаш, иш жойларида адолатни таъминлаш, меҳнаткашлар манфаатларини

ҳимоя қилиш... Иккинчи жиҳатдан эса Ўзбекистондаги барча сиёсий-ижтимоий жараёнлар чексиз таъсир кўрсатадиган аёллар ҳаётини яхшилаш вазифаси ҳам сизга юкланган. Қандай эплаш мумкин, шунча мураккаб вазифаларни бир пайтда? деган саволларига жавоб бериб — Ҳақиқатдан ҳам Бош вазир ўринбосари деган мақом бекордан бекор берилмаган. Менда иккита йўналиш бор. Хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида оддий аёлларни, оддий ўзбек аёли сифатида ҳимоя қилишим керак. Муаммоларини аниқлаб, Бош вазир ўринбосари сифатида масалага бошқаларнинг эътиборини қаратишим керак - деган эдилар. Журналист — Сизда шундай ваколатлар бор, демак? деган саволига эса — Бунга менда ваколат бор. Худди шундай ваколат пастдаги қуйи тизимларимизда ҳам бор, яъни ҳоким ўринбосари, Бош вазир ўринбосари сифатида ҳар қандай вазирликка топшириқ бериш мумкин, хотин-қизлар масалалари бўйича... Мен ўзим тушунаманки, бу жудаям катта масъулиятли юк, энг оғир вазифалардан бири. Ўзбекчасига айтганда, аравамиз жуда оғир. Мана шу аравамизни тортиш учун унинг ғилдираклари соз бўлиши керак-да. Шунинг учун тизимимиздаги ходимларимизнинг малакасини ошириш керак.

Журналистнинг — ... Демак, эркаклар билан ишлаш, улар билан бир мажлисда ўтириш ноқулай эмасми... Уларга ўз фикрингизни айта оласиз ва улар сизни жиддий қабул қилиб, эшитишади? деган саволига эса — Қийин эмас. Чунки эшитишади ва ҳурмат билан эшитишади. Ҳокимлар деймизми, опа деб эътибор билан ҳурмат қилишади. Саволларимга жавоб беришганида онага, опага, сингилга бўлган муносабатни ҳис қиламан. Нафақат мен, бошқа аёлларимиз ҳам шу ҳурматни ҳис қилишади. Эркакларимиз ҳақиқатдан эркаклар салтанатини ғурур билан олиб кетишяпти десам муболаға бўлмайди, деб жавоб берган эдилар.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар Сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлигини, шунингдек маҳаллий кенгашлар

депутатларининг 23% дан зиёдини айнан аёлларимиз ташкил этади. Бугунги кунда мамлакатимизда илм - фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 % хотин - қизлардир.

Бизда 48 фоиз меҳнат ресурсларини аёллар ташкил қилади. Ишлаётганларнинг сал кам ярми аёллар. Шунинг учун меҳнат жамоаларида касаба уюшмаларининг ёрдами катта. Ўзбекистонда иш берувчилар, яъни савдо-саноат палатаси ва касаба уюшмалари ўртасида келишув бор. Яъни унда меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шароитлари хавфсиз бўлиши, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси ва кўп мажбуриятлар ёзилган. Шулар қаторида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан таъминланиши ва ҳимоя қилиниши ҳам алоҳида бўлим қилиб киритилган. Ва унинг асосида ҳар бир меҳнат жамоасида жамоа шартномалари қабул қилинган. Унда мана шу жамоада ишлаётган аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан эҳтиёжларини таъминлаш масалалари акс эттирилган.

Иш берувчилар ушбу мажбуриятларни ўз елкасига олган, яъни ишлайдиган аёллар, эркаклар билан теппа-тенг ойлик олишади. Керак бўлса, аёлларга кўпроқ тўланади. Турли жамоа шартномалари орқали, қўллаб қувватлаш имтиёзлари аёлларда кўпроқ... Бундай тенгликни кўпчилик мамлакатларда кўриш қийин. Бундан ташқари Ўзбекистонда жинсга қараб чеклаш деган нарса йўқ. Умуман бу тушунчанинг ўзи ҳам йўқ.

Иккинчи тарафи - аёллар эркаклар билан тенг, ҳар турли позицияларни эгаллайдими йўқми деган саволда муаммо бор. Лекин бу бўйича давлатимиз раҳбари, истиқболли қарорлар қабул қилмоқдалар. Масалан, мактабгача таълим вазири аёл киши. Иқтисодиёт вазири бор эди, аёл киши. У киши ҳозир Президент офисида ишламоқда. Аёлларимиз вазир ўринбосари бўлиб ишляптилар. Олдин бундай эмас эди. Мана шундай катта истиқболли режалар амалиётга тадбиқ қилинмоқда.

Сенатда, қуйи палатада аёлларимиз жуда фаол. Режага

кўра сайловларда, сиёсий партиялар билан фаол иш олиб бориш турибди. Фаол хотин-қизларнинг захирани шакллантириб, аёлларни сайловларга олдинроқ тайёрлаб, яъни эркаклар билан тенг қатнаштириб, қонунда белгиланган ҳақиқий 30 фоизни улар ҳам эгаллашлари керак. Шу бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Бир неча йилдан кейин аёл вазирлар, вазир ўринбосарлари, йирик компания раҳбарлари сони янада кўпаяди. Чунки ўзбек аёлларининг салоҳияти жуда юқори.

Маҳалла раислари ва фаолларининг аксарият қисмини аёллар тишқил этади. 8,5 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий - ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида фаол иш олиб бормоқдалар.

Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларига бўлган муносабати билан белгиланади. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан яратилган Ўзбекистонимизни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар Стратегияси ва унинг узвий қисми бўлган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастури авваламбор ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Юртимизда аёллар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида 2017 йилда тадбиркор аёллар учун 1 триллион сўм, таълим муассасаларини битириб чиқадиган 10 мингга яқин ёшларимиз учун 60 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хотин-қизларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, ишбилармонлик салоҳиятини кучайтиришга йўналтирилган амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Айниқса, фермер аёлларнинг

тадбиркорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва уни янада ривожлантириш масалаларига қаратилаётган алоҳида эътибор опа-сингилларимиз иқтидорини изчил рўёбга чиқаришга хизмат қилаяпти. Ҳозирги вақтга келиб иқтисодиётнинг турли тармоқларида, бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида банд хотин-қизлар улуши 62% дан ошгани, республикамизда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 120 мингдан ортиқ, жумладан 4,5 мингдан ортиқ фермер хўжалиқларини хотин-қизлар бошқараётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ўз навбатида, аёллар бошқараётган кичик корхоналарни ривожлантириш, хотин-қизларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга жалб этиш, қишлоқ жойларда касаначилик ва янги иш ўринларини яратишга доир лойиҳалар давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганлиги диққатга сазовор. Қишлоқ хўжалигига илм-фаннинг сўнги ютуқлари ҳамда юқори технологияларни, инновацияларни олиб кириш ва тадбиқ қилиш учун қулай шароитларни яратиш, қишлоқ жойлардаги тадбиркор аёлларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда даромадларини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Аёллар фермерлигини ривожлантириш учун инновацион хизматларни жорий этиш, фермер аёллар маҳсулотларини янги бозорларга олиб чиқиш каби йўналишларда аёллар ролини кўтариш муҳим амалиёт ҳисобланади.

Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳаётга интеграцияси, иштирокини таъминлаш йўлида жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Хотин-қизлар ўртасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Айниқса, қизларнинг фаоллиги ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда 2010-йилда Сан-Францискода жорий қилинган лойиҳа муҳим аҳамиятга эгадир. Қизларимиз ҳозир мобил телефонларда иловалар қилиб, улар ўзларини қийнаётган муаммолар ҳақида маслаҳат олади. Бу лойиҳа БМТ Тараққиёт Дастури доирасида

амалга оширилмоқда. Ахборот коммуникация технологиялари ҳозир ҳаётимизда жуда муҳим рол ўйнамоқда.

Ҳозир ҳар бир маҳаллада ҳаётда қийналиб қолган, камситилган, ишсиз ёки турмуш ўртоғи четга чиқиб кетиб боқувчисиз қолган аёллар рўйхати бор. Уларга бириктирилган ходим, мураббийлар бор. Уларга моддий, психологик ёрдамлар кўрсатилиши бутун республикамизда қизгин давом этапти.

Бош вазир ўринбосари Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Женевада Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер билан учрашув ўтказди. Учрашув Халқаро меҳнат конференцияси 106-сессияси доирасида бўлиб ўтди.

Гай Райдер томонлар ҳамкорликнинг кўплаб соҳаларида сезиларли ютуқларга эришганини таъкидлаб ўтди. Унинг сўзларига кўра, бугун аввало, бандлик, меҳнат муҳофазаси, гендер тенглик каби соҳаларда янгидан-янги имкониятлар вужудга келмоқда.

ХМТ бош директори Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукуматиغا ХМТнинг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилгани учун алоҳида миннатдорчилик билдирди. «Умид қиламизки, ХМТнинг бошқа конвенциялари республиканинг миллий қонунчилигига мувофиқлигини ўрганиш бўйича ишлар давом этади», — деб қайд этди ХМТ раҳбари Гай Райдер. Икки томонлама ўзаро алоқаларни кенгайтириш зарурлигини таъкидлаб Гай Райдер ҳуқуқий асосни янада такомиллаштириш, аҳоли шу жумладан, хотин-қизлар бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган масалаларни янада такомиллаштириш кераклигини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Республика Президенти Ш. Мирзиёевнинг бевосита раҳбарлигида аёл ва эркаклар тенглигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормалар янада такомиллаштирилмоқда. Мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётида аёл ва эркаклар тенглигини таъминлаш, аёлларнинг

камситилишига барҳам бериш, бандлик соҳасида, маъорифий соҳада, соғлиқни сақлаш соҳасида аёлларни камситишни бекор қилиш, аёлларга эркаклар билан тенгма тенг фуқароликни сақлаб қолиш ёки ўзгартириш бўйича тенг ҳуқуқни таъминлаш, аёлларнинг халқаро ҳамкорлигини таъминлаш бўйича, қонун олдида эркак ва аёл тенглигини тўлақонли таъминлаш бўйича жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Бу масала бўйича мамлакатда ҳеч қанақа тўсиқ йўқ. Фақат аёллар ўзлари Ўзбекистонда эркакка йўл беради. Менталитетга кўра эркак асосий таянчимиз ҳисобланади. Ҳақиқатдан аёллар кучли бўлса, билими яхши бўлса, турмуш ўртоқлари розилик берса, биргаликда ҳаёт қийинчиликларини енгиш қийин эмас. Лекин эркак йўл бермади деб оиладан воз кечиш ҳам нотўғри бўлса керак. Бу жараёнларни эркакларнинг ўзига ташлаб қўйиш нотўғри бўлади. Ўзбекистонда аёллар, катта лавозимларда албатта ишлаши керак деган фикр ҳақиқатдан йирок. Чунки кўпчилик аёлларнинг ўзи шуни хоҳламайди. Ўзи ҳам уйда ўтириб ёки ўзига яқинроқ иш жойни танлашга ҳаракат қилади. Мен фарзандларимга қарашим керак, оиланинг тинчини таъминлашим керак, дейди улар. Биз буни ҳам ҳурмат қиламиз. Бу ҳам аёлнинг ҳуқуқи. Шунинг учун халқаро ташкилотларда аёллар тенг эмас экан, улар бу жойда камроқ экан, деган фикрларга биз мутлақо қўшилмаймиз. Ҳамма давлатда ўзига хос урф-одатлар ва анъаналари бор. Мамлакатимиз аёлларининг қарашларида оила биринчи ўринда туради. Шунинг учун уларга ҳам чиройли ҳаёт шароитини қилиб беришга давлат раҳбари ҳаракат қилмоқда. Уйда касаначилик меҳнатлари бор. Уйда ўтириб тадбиркорлик қилиши мумкин. Яқинроқ жойларда ишга кириб, меҳнат қилиши мумкин. Уларнинг қизиқишларига қараб, шароитлар яратилмоқда.

Бугун аёлларнинг жамиятдаги иқтисодий ҳиссасини тан олиш керак. Биринчидан, аёлларсиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўлмаслигини яна бир бор эътироф этиш лозим. Муҳтарам Президентимиз ўз лавозимиغا киришганидан бош-



лаб бу нарсани эътироф қилиб келадилар. Ҳар бир ҳудудга борганларида албатта хотин-қизлар масаласи билан жиддий шуғулланадилар. Мана мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи мартта 8 март арафасидаги маърузалари барча аёллар юрагида ғурурни оширди. Фақатгина сиз зўрсиз, сиз онасиз, чиройлисиз деб ўтиб кетиш бўлмади, эътироф билан биргаликда масала ҳам қўйиб кетилди. Аёлларнинг иштироки муҳим эканлиги қайд этилди.

Олдинлари фақат 8-мартда бир кун аёллар аёллигини ҳис қилар эди. Ҳозир йил давомида аёлларга эътиборни ҳар бир аёл ҳис қилади. Ҳар қаерга борганларида, Президент ўзлари аёллар билан учрашяптилар. Оилаларга кириб, онахонларимиз, ёш келинлар билан, қизларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг аҳволи билан ўзлари бевосита қизиқяптилар. Бу жараён тарихда ҳали бўлмаган. Халқ буни ижобий қабул қиляпти. Энг кўп қўллаб қувватланаётганлар аёллар бўляпти.

“Зулфия“ номидаги давлат мукофоти 14 нафаргина кизга бериларди. Ҳозир кизларимизнинг жамиятдаги иштирокини, нуфузини ошириш учун бу йил икки бараварга кўтариб бердилар. 28 нафарига ўз қўллари билан 8-март байрамига бағишланган тантанада шу кўкрак нишонини тақиб қўйдилар.

38 нафар аёлларимизга юксак давлат мукофотларини ўзлари топширдилар, бу Ўзбекистон тарихида бўлмаган. Байрам муносабати билан ўша фармонда “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис қилинди.

Жамиятда фаол иштирок этаётган, нафақат ишлаётган, оилапарвар, ишламасдан фарзандларини чиройли қилиб жамиятга етказиб берган аёллар ҳам бундан кейин тақдирланади. Боғчалар бўйича чиқарилган қарорларни ҳам қаранг, ҳамма ҳаракатлар аёлларга қаратилган. Бизда аёл 2-3 та тукқандан кейин, болаларга қарайман дейди. Энг ишлайдиган, билимли, касб - кўникмалари авжида пайтида фарзанд тарбияси билан бўлиб қолади у. 30-35 ёшгача болаларига қараб қолади. Кў-

никмалари йўқолади, замон ўзгаряпти, ҳаммаси эсидан чиқиб қолади. Боғчаларни ривожлантириш ҳам аёллар учун кенг қулайликлар яратади. Улар энди болаларни боғчага бериб фаол иш билан шуғулланиши мумкин бўлади.

Уй-жой дастурлари ҳам, ипотека кредитларининг берилиши. Қийналаётган оилаларга давлат бюджетларининг ажратилиши ҳам жамиятда аёллар нуфузинининг ошишига кўмак бермоқда. 4-5 оила битта том остида яшайди. Хоҳлаймизми, йўқми овсинлар ўртасида жанжаллар чиқади. Мана шу уйлар оилавий ажримларнинг олдини олишга хизмат қилади. Ҳар бир оила мустаҳкам яшасин, ўз даромадини ўзи топишни ўргансин, ота-онасининг қарамоғида яшамасин, ўзиям ҳаёт кечиришга ўргансин, деган ғоялар ётибди бунинг тагида. Бундан аёлларимиз жудаям миннатдор бўлишяпти. Буни амалга ошиш жуда мураккаб жараён. Бугун ҳар бир ҳудудда ишчи гуруҳлари ишламоқда. Улар ҳар бир хонадонинг эҳтиёжларини аниқлаяптилар.

Қайси ҳудудда уй-жойга муҳтожлик бор, айниқса, ногиронларнинг қанчаси уй-жой билан таъминланган. Шулар асосида дастурлар шаклланимоқда. Буларнинг асосида халқ билан мулоқот, маслаҳатлашиш ётибди. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бир пайтлари хорижий мамлакатларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш борасидаги тажрибасини ўрганган бўлсак, бугунга келиб эса бошқалар биздан ушбу масалалар бўйича андоза олаяпти. Қисқа қилиб айтганда мазкур йўналишда ҳам Ўзбекистон ўз моделини яратди.

Гендер тенглигига амал қилишни тушунтиришда жинс ва гендер ўртасидаги чегарани аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Агар жинс эракаклар ва аёллар ўртасидаги жисмоний тузилишга боғлиқ фарқга тааллуқли бўлса, унда гендер тушунчаси уларнинг психологик, ижтимоий ва маданий ўзига хос хусусиятларини назарда тутуди. Жинс ва гендернинг чегараланиши фундаментал хисобланади, чунки аёллар ва эркаклар ўртасидаги кўпгина фарқлар табиатан биологик бўлмаган сабаблар туфайли юзага келади. Инсонлар жинси бизнинг уларнинг қабул қилишимизга боғлиқ.

Гендер тенглиги аёл ва эркак ўртасидаги муносабатлардаги фарқларни, ўзига хосликларни ўрганиш билан чекланмайди. Ижтимоий тараққиёт учун аёл ва эркак ўртасидаги тафовутлар эмас, балки уларнинг бир ижтимоий мавжудот сифатида яшабини асослайдиган, аёл ва эркак ўртасидаги яқинлик, уйғунликни мустаҳкамлайдиган назарияларни ўрганиш зарур.

XX асргача аёлга нисбатан болажон, пазанда, ўчоқ кўриқловчиси, бадий-эстетик тимсол сифатида қараш мавжуд эди. Феминистик ҳаракатлар аёлни ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг тенг ҳуқуқли субъектларига айлантирди. Бу борада Европа аёли намуна бўлди. Африка, Осиё, Лотин Америкаси китъалардаги аёллар ҳам феминистик ҳаракатларни қўллаб-қувватлай бошладилар. Тўғри, ислом кадриятлари ҳукмрон давлатларда ҳали патриархал муносабатлар аёлларнинг тенг ҳуқуқли яшашига халақит бермоқда. Аммо бугунги аёл XX асргача яшаган аёлдан тамомила фарқ қилади. Аёллар гендер муносабатларни ўзгартириш тарафдоридирлар. Гендер тенглик улар учун эркак эгаллаган амалларни эгаллаб, эркак билган нарсаларни билиб, оиласини таъминлаб яшашдир. Феминистлар ҳеч қачон жамият тараққиётини белгилаб берувчи, стратегик аҳамиятга эга ижтимоий-сиёсий концепцияларни илгари сурмаган. Улар ижтимоий муносабатларни ўзгартирмай гендер тенгликни таъминлаб бўлмаслигини хаёлига келтирмаган. Гендер тенглик аёл ва эркак муносабатларида тенг ҳуқуқликни таъминлаш-

гина эмас, у бутун ижтимоий муносабатларни ўзгартиришга кодир воқелиқдир. Гендер тенгликни эски ижтимоий муносабатлар устига қуриб бўлмайди, у инсониятни янги ижтимоий муносабатлар тизимини яратишга ундайди.

Гендер нотенгликни келтириб чиқарган бош сабаб ҳокимият билан боғлиқдир. Ҳокимиятнинг эркаклар кўлида бўлиб келаётгани, жамият ҳаётини, давлат бошқариши ва шаклини эркаклар ҳал этиб, белгилаб келаётгани исбот талаб қилмас фактдир. Ҳокимият қаттиққўллик, ақл қувлиги, узокни кўра билиш ва куч ишлата олишни ёқтиради. Аёлга хос юмшоқлик, кўнгилчанлик уни қониктирмайди. Ўрни келганда у таваккал қилишга ундайди, жанговарлик хусусиятига эга бўлган, довюрак, барча масъулиятни, юкни ўз устига олишга тайёр шахсга бўйсунди. Фақат меҳр-мухаббат, эзгулик, ахлоқ тўғрисида ўйлайдиган киши ҳокимиятга эга бўлолмайди, эга бўлганида ҳам кўлида узок ушлаб қололмайди. Камдан-кам аёл ҳокимиятнинг ушбу талабларига жавоб беради.

Демократик жамият учун қайси жинс вакилининг эмас, балки қандай фазилатларга эга шахснинг давлат тепасига келгани муҳимдир. Бундан кейин жамият ҳаётига бир жинс мутлақ ҳукмронлик қилолмайди. Аммо давлатни бошқаришда қайси жинс вакилларининг мавқеи юқори эканини ўрганиш гендер фалсафасининг вазифаси бўлиб қолаверади.

Гендер нотенглик гендер муносабатларни баҳолаш ёки ўлчашдаёқ содир бўлади. Ҳар қандай тадқиқотчи уларни ўз жинси нуқтаи назаридан баҳолашга интилиб, гендер нотенгликни бошлаб беради. Ушбу нотўғри ёндашишдан қочиш йўли БМТ томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ҳақидаги нормалардан келиб чиқишдир.

Гендер нотенглигини бартараф этиш барча халқлар, миллатлар мақсадига айлангани эмас. Айниқса айрим Осиё, мусулмон мамлакатларида патриархал муносабатларни қўллаб-қувватлаш ҳаёт тарзи бўлиб қолмоқда. Махсус тадқиқотлар

натижаларидан маълумки, айнан ушбу мамлакатларда аёллар патриархал муносабатлар, яъни эркакларнинг устунлиги қўллаб-қувватланган. Бу ўринда аёлларнинг гендер нотенглик масалаларидан яхши хабардор эмаслиги ва “тайёрга айёр” ҳолда яшашга кўникиб қолгани намоён бўлади. Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан ушбу ҳаёт тарзини қоралаш мумкин, аммо этномаданий нуқтаи назардан уни қоралашга асос топиш қийин.

Мусулмон мамлакатларида камдан-кам аёл ўз ихтиёрига мувофиқ ҳаёт ва фаолият тарзини танлайди. Агар Беназир Бхутто ислом анъаналари тарафдорларининг талабларига итоат этганида ҳеч қачон Покистон бош вазири бўлолмасди. Айнан Ислом демократик альянси арбоблари, аёл мусулмон давлатини бошқариши мумкин эмас, деб эълон қиладилар. Лекин оддий кишилар уни қўллаб-қувватлаган. Б.Бхуттонинг сиёсий фаолият билан шуғулланишига, шубҳасиз, унинг АҚШда яшагани ва таълим олгани таъсир этган. Отасининг тавсиясига мувофиқ, у Наполеон, Линкольн, Мао Цзэдун каби дунё сиёсий ҳаётига таъсир этган шахслар ҳаётини ўрганган. Ушбу мисол кўрсатадики, миллати ва келиб чиқишидан қатъи назар, аёл билим олган, ижтимоий қўллаб-қувватланган муҳитда йирик давлат арбоби, сиёсатчи, халқаро ҳаракатлар ташкилотчисига айланиши мумкин.

Гендер муносабатларининг демократлашуви жамиятнинг демократлашувидан айрича кечмайди, улар бир-бирига диалектик боғлиқ жараёнлардир. Аммо, гендер муносабатларининг демократлашуви жамиятдан узоқ, зиддиятли кечади. Жамият муносабатларини йўлга қўювчи сиёсий-ҳуқуқий механизмларни тез яратиш ва аёлга тез тадбиқ этиш мумкин, бироқ шундай механизмларни оилага нисбатан яратиш, айниқса уларни оилавий муносабатларга жорий этиш қийин, чунки уларда шундай мураккаб томонлар борки, уларни ҳеч бир жамият тўла назорат этолмайди. Аслида ҳам аёллар дискриминациясини гендер муносабатларининг демократлашуви-

сиз бартараф этиб бўлмайди.

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан аёл ва эркак тенгдир; бу соҳаларда гендер фарқларга урғу бериш мумкин эмас. Таълим-тарбия олишда ҳам аёл ва эркак тенг ҳуқуқларга эга, аммо иқтидорни ривожлантириш жараёнлари гендер фарқларни ҳисобга олишга мажбурдир. Педагогика нафақат ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларини, худди шунингдек, гендер фарқларни ҳам ҳисобга олиши даркор. Бу аёл ва эркакни бир-бирига қарши қўйиш учун эмас, балки ҳар бир жинсда табиий интилишларига мос келадиган жиҳатлар, фазилатларни ривожлантириш учун керак. Ана шунда педагогика ҳам сҳоластик ёндашувлардан воз кечиб, янги поғонага кўтарилиши мумкин.

Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳаётдаги фаоллигини оширишга қаратилган феминистик ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мумкин. Агар давлат ва жамиятни аёллар бошқарса, зўравонлик, қирғин ва урушлар бўлмайди деган қарашлар ҳам мавжуд. Бироқ ушбу қарашлардаги аёлларни эркаклардан ажратиш, ҳатто улардан устун қўйишга интилишларни қўллаб-қувватлаб бўлмайди. Конфронтация эмас, консенсус, устунликка интилиш эмас, балки ижодий мусобақа, интеллектуал рақобат керак. Аёл билан эркак ўртасидаги фарқларни матриархат муносабатларни яратиш билан ҳал этиб бўлмайди. Ҳар қандай феминизм аёл ва эркак ўртасидаги гармонияни мустаҳкамлаш, ривожлантиришга хизмат қилиши вожиб.

Гендер нотенгликни бартараф этиш демократия учун курашнинг таркибий қисмига айланмаган. Кўпгина халқлар, кишилар гендер нотенглик борлигини ҳаёлига ҳам келтирмайдди. Ахборотлашиш жараёнларининг таъсири туфайли халқлар, кишилар гендер нотенгликнинг глобал воқелик эканини англаб етмоқда. Айниқса, аёллар савдоси авж олаётган ҳозирги даврда гендер нотенгликка қарши кураш давлатлар, халқаро ташкилотлар ва феминистик ҳаракатларнинг глобал миқёсда

уюшишини тақозо этади. Минг афсуски, бундай уюшиш ҳам ихтиёрий тарзда рўй бермайди, ўз мавқеи, ҳокимияти, олаётган даромадларини турли баҳоналар билан оқлаб, нотенгликнинг янги-янги кўринишларини кашф этишга тайёр кучлар етарлича топилади. Хўш, ким гендер нотенгликни бартараф этишга глобал миқёсда бошчилик қилиши мумкин?

Тадбиркорлик, бизнес мусулмон аёллари учун мутлак янгиликдир. Уларнинг бизнес оламида фаол қатнашиши осон кечмайди. Биринчидан, уларга жамиятдаги анъанавий дискриминацион қарашларни енгишга тўғри келади. Асрлар давомида шаклланган ушбу қарашларни енгиши учун аёл аёллик хусусиятларини гоҳо унутиши зарур. Иккинчидан, тадбиркорлик, бизнес оламининг ўз коидалари ва усуллари бор, уларни эркаклар ўйлаб топади. Ўз оиласини, тагин 4-5 кишини иш билан таъминлайдиган тадбиркор аёл бизнес олами учун хавф уйғотмайди. Лекин у кенгроқ доирага чиқиши биланок эркаклар яратган тартибларга рўпара келади, унинг тақдирини ушбу тартиблар ҳал этади. Буни ахлоқий нуктаи назардан “рақобат” дейишади.

Ҳар икки ҳолда ҳам аёлнинг ўзлигини намоён қилиши кескин тўқнашувлар орқали содир бўлади.

Эркак фикрлашда хусусийдан умумийга ўтишни тез амалга оширади. У муаммони умумий ёки узоқ келажак манфаати нуктаи назаридан ҳал этади, майда жихатларга эътибор бермайди. Уни ички хусусиятларни билмасликда айблаш мумкин.

Аёл хусусийни яхши билади. Бор илми, дунёқараши хусусий атрофидадир. Узоқни кўра олмаслик, умумий мушоҳадада заифлик, саёзлик аёл ақлу идрокига хос сифатлардир. Шунинг учун ҳам фалсафа ёки жамиятшунослик фанларига бирор эътиборли ҳисса кўшган аёл учрамайди.

Гендер стереотипларга кўра, эркак - жинойатчи, аёл - жабрланувчи. Оммавий ахборот воситаларида, телефильмларда эркак-

ни жангари ролида кўрсатиш ушбу стереотиплар натижасидир. Кўпчилик аёлни жиноятчи ролида кўришга тайёр эмас, у ожиза сифатида мудом жабрланувчидир. Бу ҳам стереотиплар таъсиридир. Лекин кейинги пайтларда ушбу гендер стереотипларда ўзгаришлар содир бўлаётгани кузатилади. Аёлларнинг иқтисодий, оилавий ва сексуал жиноятларда қатнашаётгани жамият томонидан кескин қораланмоқда. Аёллар жиноятчилиги умумий жиноятчилиكنинг 12% атрофида қолаётган бўлса-да, уларнинг криминал ҳаётга фаол аралашаётгани кузатилади. Энди аёл ожиза эмас, у куч ишлатиш, лақиллатиш, алдаш ёки ўғирлик қилишга қодир шахсга айланиши мумкинлигини намойиш қилмоқда.

Гендер тенгликни таъминлашда нотенгликни англаш, нотенгликни бартараф этиш механизмларини ишлаб чиқиш, гендер тенглик идеологиясини яратиш, гендер тенглик идеалларини шакллантириш каби мураккаб босқичларни босиб ўтишга тўғри келади. Улар ичида энг мураккаби гендер нотенгликни англашдир. Онгинг, анъанавий қарашларнинг зиддиятли ўзгариш хусусияти гендер нотенгликни тез англашга имкон бермайди. Англамаган воқеликни эса ҳаётга кенг жорий этиш қийиндир. Шунинг учун энг аввало аёл ва эркекни инсон сифатида эътироф этувчи гуманистик қарашларни шакллантириш даркор. Жамият гуманистик қадриятларни тараққиёт шарти қилиб танламас экан эгалитар ғоялар қоғозларда қолиб кетаверади.

Албатта, жамият ҳаётида ҳар бир нарса ва ҳодиса ўз ўрни ва ролига кўра аҳамиятлидир. Шундан келиб чиқан ҳолда, жамият ҳаётида эркеклик ва аёллик муҳим қадриятлар сифатида инсоний мазмун билан тобора тўлиб ривожланиб бормоғи ва айни вақтда эркеклар ва аёллар ўртасидаги муносабат шундай гармония касб қилиши керакки, у инсониятга гўзаллик ва бахт ато этсин.

Н. Маматов

Гендер тенглик. Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга қарши курашиш бўйича Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва миллий қонунчилик.

Нашрга тайёрловчи: В.Р.Аманликов - иқтисодчи олим
Н.Р.Аманликова - Тошкент темир
йўл муҳандислари институти
«Тиллар» кафедраси ўқитувчиси

Дизайнер: Ў.Тажибоев

